Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ОРГАНИ

№ 268 (20. 835) • 1990 йил 23 ноябрь, жума • Баҳоси 4 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасида

АХБОРОТ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг Бюроси жумҳурият Компартияси Марказий Қўмитаси пленумининг топшириғига мувофиқ Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг иккинчи босқичи чақириладиган санани белгилади. У 1990 йилнинг 7 декабрида иш бошлайди.

ТЕНГЛИК АСОСИДА ИШЛАЙЛИК, АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАЙЛИК

Ўзбекистон ССЖ Президентининг журналистлар билан учрашуви

21 ноябрь куни Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов жумҳурият ва Бутуниттифоқ оммавий ахборот воситаларининг вакиллари билан учрашди. Учрашув Ўзбекистон раҳбариятининг бозор муносабатларига ўтиш даврида тутадиган йўлига бағишланди.

СУРАТДА: Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов саволларга жавоб қайтармоқда.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган сурат. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССЖ Президенти журналистларнинг саволларига жавоб қайтарар экан, шундай деди: афсуски, янги Иттифоқ шартномасини ишлаб чиқиш учун ажратилган энг яхши вақт бой берилди. Бу иш билан анча илгари шуғулланиш керак эди. ССЖИ Олий Кенгаши ҳам унга бўлган умидимизни оқламаяпти. Олий кенгашдагилар иккинчи даражали масалаларни, амалга ошмайдиган қонунларни қабул қилиш билан шуғулланиб, мамлакатимизда юзага келаётган вазиятда тўғри йўл танлай олмадилар. Ўзбекистон Иттифоқ шартномасини марказ таклиф этаётган шартлар асосида эмас, балки мустақил жумҳурият сифатида имзолашга тайёрдир. Ер ости бойликлари, табиий бойликлар, юзага келган имкониятлар фақат жумҳуриятга тегишли бўлиши керак. Ўзбекистон ССЖ эса мамлакатимизнинг бошқа минтақалари билан фақат тўла тенг ҳуқуқлилик асосидагина ўз муносабатларини ўрнатади.

Ҳозирги мураккаб вазиятда йигирма миллион аҳолиси бўлган Ўзбекистон жиддий ижтимоий силсилаларни сезмайдиган ҳаракат тактикасини ишлаб чиқиш зарурлигини ҳисобга олмоқ лозим, деб таъкидлади И. А. Каримов. Жумҳурият Президентининг айтишича, «Бозорга ўтиш даврида камбағаллар янада қашшоқлашмасликлари керак». Бозор — бу бирдан-бир мақсад эмас, балки халқнинг фаровонлигини ошириш, ривожланиш истиқболларини очиш истаги ҳамдир. Бу энг асосий мақсад бўлиб, Ўзбекистон ССЖ раҳбариятининг фаолияти шу мақсадга қаратилган.

Ўзбекистон мустақиллик қоидаларига асосланиб, пахта толасига фақат ўзи учун мақбул бўлган давлат буюртмасини қабул қилади. Бу йилги ҳосилнинг катта қисми жумҳуриятда қолади. Ана шу қимматбаҳо хом ашёни Бутуниттифоқ бозорида ва хорижий бозорда қандай нархларда сотиш кераклигини фақат унинг ўзи ҳал қилади.

Президент юзага келаётган нуфус вазиятига тўхталиб, мазкур масалада ижобий ўзгаришлар рўй бера бошлаганини таъкидлади. Жумладан, сўнгги тадқиқотлар жумҳуриятда 560 мингга яқин киши доимий ишга эга эмаслигини кўрсатди. Булар асосан тўрт нафардан кўп фарзандлари бўлган аёллардир. Маълумки, яқин-яқингача бу рақамлар анчагина юқори эди. Якка тартибда уй қурувчиларга 160 минг гектар ер берилиши натижасида муаммонинг ўткирлиги анча пасайди. Яқиндагина ишсиз бўлган кишилар уйлар қуриш, тақчил бинокорлик материалларини ишлаб чиқиш билан шуғуллана бошладилар. Илгари бўш ётган ёки пахта экилган ерларда ҳозир полизчилик ташкил қилинмоқда, боғлар ва узумзорлар барпо этилмоқда. Бу яқин йиллар ичида ички бозор сабзавот ва мевалар билан етарли даражада таъминланишидан далолат беради.

Жумҳурият раҳбариятининг пахта якка ҳокимлигига барҳам бериш масаласида тутган қатъий йўли ўз самарасини бермоқда. Ўзбекистон ССЖда келаси йили пахта экиладиган майдонларни анча камайтириш, уларни илмий асосланган миқдорга етказиш мўлжалланмоқда. Масалан, 1991 йилда етиштириладиган хом ашё миқдорини 300 минг тонна камайтириш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон ССЖ Президенти бозорга ўтиш тўғрисида гапирар экан, Ўзбекистон бюджетининг вужудга келаётган бир неча миллиард сўм миқдоридаги камомади — бутун халқ хўжалиги комплекси ёмон ишлаётганлигининг натижаси эмаслигини, балки ишлаб чиқарилган маҳсулотга нотўғри, паст ҳақ тўлаш эканлигини уқтирди. Тармоқларни ўйламай-нетмай фақат хом ашё етиштиришга йўналтириш бундай номутаносиблиққа олиб келди. Шу сабабли жумҳуриятда тайёр рақобатга бардошли маҳсулотларни ишлаб чиқишга йўналтирилган корхоналарни барпо этишнинг қатъий йўлидан борилмоқда. Ушбу йўналишда қўшма корхоналарга жиддий эътибор берилмоқда. Ҳорижий фирмалардан Ўзбекистон раҳбариятига кўпдан-кўп қизиқарли таклифлар келмоқда. Ҳозир улар диққат билан ўрганиб чиқилаётир. Қўшма корхоналарни барпо этишнинг энг муҳим шарти илғор технологияларни қўлланишдан, замонавий, юқори унумли ускуналарни етказиб беришдан иборат. Шу билан бирга бошқа бир қонун муҳим масала — туб миллат вакилларидан малакали ишчилар тайёрлаш масаласи ҳам ҳал этилади.

Ўзбекистон ССЖ Президенти марказий идоралар нинг Бутуниттифоқ валюта қўмитасини тузиш тўғрисидаги қарорига салбий муносабат билдирди. У бу билан марказ валютани аввал қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай тақсимлаш ниятида эканлигини айтди. Ҳар бир жумҳурият, деди И. А. Каримов, ўзи ишлаб топган маблағларни қаерга ва нимага сарфлаш ҳуқуқига эга.

Журналистларни минтақа бозорини ташкил этиш масалалари қизиқтирди, шу маънода қандай истиқболлар бор? Ўзбекистон ССЖ Президентининг сўзларига қараганда, бу муаммолар жумҳуриятлар раҳбарларининг яқинда Олмаота шаҳрида бўлиб ўтган учрашувида муҳокама қилинган. Энг яқин қўшнилар билан фаол ҳамкорлик қилиш иқтисодий жиҳатдан фойдали эканлиги тушунарлидир. У Қозоғистондан етказиб берилиши мумкин бўлган ғаллани ёрқин мисол сифатида келтирди. Лекин барча уринишларга қарамай, жумҳуриятимизга ғалла мамлакатимизнинг бешта узоқ минтақасидан келтирилмоқда.

Ўзбекистон ССЖ Президенти журналистлар билан учрашувда жумҳуриятимизда жуда моҳир ҳунармандлар, халқ усталари яшаб, меҳнат қилаётганини таъкидлади. Улар тайёрлаган буюмларга мамлакатимиз ташқарисида ҳам талаб катта бўлиши мумкин. Мулкни хусусийлаштириш имкониятларидан фойдаланишни хоҳлаган хизмат соҳаси ходимлари сингари уларга жуда қулай шарт-шароит яратиб берилади.

Учрашувга келган кишиларнинг кўпчилигини: Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашини тарқатиб юбориш, уни Президент ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига айлантириш нима беради, деган савол қизиқтирарди.

И. А. Каримов бунда ҳеч қандай ғайритабиийлик йўқлигини қайд этди. Ижрочи ва қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг вазифаларини аниқ чегаралаш аҳволни барқарорлаштиришнинг гаровидир. Афсуски, деб таъкидлади у, марказда шу вақтгача бундай ҳол рўй бермади.

Табиийки, йиғилганларнинг кўпчилигини Ўзбекистон раҳбариятининг нархнаво оширилганлиги ҳақида яқинда эълон қилинган қарорга нисбатан муносабати қизиқтирарди. И. А. Каримов бу масалага салбий муносабат билдирди. У фақат Ўзбекистон ССЖ раҳбарияти янги нархларни белгилаш ҳуқуқига эга эканлигини таъкидлади. Бозорга ўтиш шароитида нархлар ўзгариб туриши тушунарлидир, лекин гилам, мебель сингари молларнинг нархи, афтидан ўзгармаса керак. Боз устига, келин-куёвлар бир қанча молларни олишда имтиёзга эга бўладилар.

Журналистлар билан учрашувда Ўзбекистон ССЖ Президентига экологик аҳвол тўғрисида, сувдан фойдаланишни яхшилаш юзасидан раҳбарият кўраётган тадбирлар, уюшган жиноятчиликка ва чайқовчиликка қарши кураш тўғрисида ҳам саволлар берилди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси Бюросининг 21 ноябрь куни бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида Бухоро ва Тошкент вилоятлари партия ташкилотларининг партия сафларини мустаҳкамлашга доир иши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Муҳокама чоғида мазкур партия ташкилотларида КПСС сафларидан чиқиш анча кўпайганлиги, партияга қабул қилиш кескин камайганлиги, айниқса ишчилар орасида коммунистлар сони камайиши барқарор тус олганлиги, бошланғич партия ташкилотларининг ташаббуси ва фаоллиги пасайиб кетганлиги муносабати билан ташвишли вазият юзага келганлиги таъкидланди. Кўпгина бошланғич партия ташкилотлари янги ижтимоий-сиёсий вазиятда ўз ўрнини топганлари йўқ, ўзгарган вазиятга қийинчилик билан мослашмоқдалар. Уларнинг катта қисми ҳали ҳам партия ички турмуши муаммолари билан шуғулланиб келишмоқда, меҳнат жамоаларининг сиёсий ва ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилишга йўл қўйиб бўлмас даражада сусткашлик билан ўтмоқдалар. Ўзбекистон Компартияси сиёсатини яхши тушунтирмаяптилар.

Партия қўмиталари ва бошланғич партия ташкилотлари ҳар бир коммунистни қизғин фаолиятга жалб этиш юзасидан зарур иш олиб бормаяптилар, ўз партия ташкилоти билан алоқани узаётганларга, партия аъзолиги бадалларини тўламаётганларга нисбатан талабчанликни пасайтириб юборганлар.

Вилоят, кўпгина шаҳар ва ноҳия партия қўмиталари партияга қабул қилиш масалаларида четдан кузатувчилар йўлини тутмоқдалар, партия сафларини жиддий ва сиёсий жиҳатдан фаол кишилар билан тўлдиришнинг аҳамиятига етарли баҳо бермаяптилар, кўпгина партия ташкилотлари, аввало катта жамоалардаги партия ташкилотлари партияга якка тартибда, айниқса ёшлар ва комсомоллар орасидан аъзоларни танлаб олиш юзасидан илгари орттирилган тажрибани йўқотганликларидан, КПСС Устави мазкур масалаларни узил-кесил ҳал қилиш юзасидан берган ҳуқуқдан тўла фойдаланишга тайёр эмасликлари аён бўлганлигидан ташвишланмаяптилар

Мажлисда бошланғич ташкилотларда кейинги вақтда иккиланаётган, ўзининг сиёсий мавқеида беқарор коммунистлар пайдо бўлганлиги, уларнинг баъзилари КПСС сафларидан чиқаётганлиги таъкидланди. Айни вақтда партия қўмиталари партия билетларини топшириш ҳар бир ҳолатнинг сабабларини чуқур таҳлил этмаяптилар, ана шундай ноҳуш воқеаларнинг олдини олиш мақсадида иккиланаётган ва партиядан чиқиш ниятида бўлган коммунистлар билан якка тартибда иш олиб бормаяптилар. Партия ташкилотлари кўпинча коммунистларнинг партиядан ихтиёрий равишда чиқиш тўғрисидаги аризаларини кўриб чиқишга енгилелпи муносабатда бўлмоқдалар, ўз обрўсини йўқотган, партияга мансаб эгаллаш ва ғаразли мақсадларда кирган кишиларнинг хаттиҳаракатлари ва ҳулқ-атворига принципиал баҳо бермаяптилар.

Марказий Қўмита Бюроси қабул қилинган қарорда Бухоро вилоят партия қўмитасининг котиблари Д. С. Ёдгоров, Ю. М. Сажнев, Тошкент вилоят партия қўмитасининг котиблари С. М. Мамарасулов, В. Г. Гришчук ва Тошкент шаҳар партия қўмитасининг котиблари А. И. Фозилбеков, Ю. А. Асепков ўртоқлардан партия сафларини мустаҳкамлаш ишларидаги камчиликларни бартараф этишни талаб қилди.

Вилоят, шаҳар ва ноҳия партия қўмиталарига, бошланғич партия ташкилотларига партия билетларини топшириш юзасидан рўй берган ҳар бир ҳодисани синчиклаб текшириш, бундай ноҳуш ҳолатларни келтириб чиқарадиган сабабларни таҳлил қилиш, иккиланаётган коммунистлар билан бундай ишларнинг олдини олиш, огоҳлантириш тадбирларини кучайтириш, уларнинг ҳар бири учун курашиш вазифаси топширилди. Устав талабларига риоя этиш юзасидан КПСС аъзоларига нисбатан талабчанлик оширилсин, партия интизомини бузаётган, атайлаб ўз партия ташкилоти билан алоқани узган, аъзолик бадалларини тўламаётган, партия аъзоси шарафини қадрламаётган, сафсатабозлар ва бузғунчи унсурларга қўшилаётган ҳар бир киши билан бунинг сабабларини якка тартибда аниқлаш вазифаси топширилди.

Марказий Қўмита Бюроси вилоят, шаҳар ва ноҳия партия қўмиталарига бошланғич партия ташкилотлари билан биргаликда партияга қабул ишларини яхшилаш юзасидан зарур тадбирларни амалга оширишни таклиф этди. Партия сафларини сифат жиҳатдан тўлдириш борасидаги ишга партия ташкилотларининг партиясизлар билан алоқасини мустаҳкамлашнинг, уларнинг жамоалардаги жипслаштирувчи мавқеини таъминлашнинг муҳим воситаси сифатида қаралсин.

Қатъий равишда якка тартибда ёндашув асосида юқсак маънавий фазилатлари, байналмилалчилиги партиянинг дастурий мақсадларига чинакам содиқлиги билан ажралиб турувчи жиддий ва сиёсий фаол кишилар партияга танлаб олинсин ва қабул қилинсин. Оғир даврда ўз тақдирини партия билан боғлашга қарор берган кишиларни партияга қабул қилиш сингари ҳар бир ҳолат бугунги кунда партия ташкилоти учун ҳам, умуман партия учун ҳам катта сиёсий салмоққа эга бўлаётганлигига амал қилинсин. Ёшлардан, аввало комсомоллардан партияга танлаш ишларига эътибор кучайтирилсин, улар партия сафларини тўлдириш учун энг яхши резерв деб билинсин.

Ҳар бир бошланғич партия ташкилоти уюшқоқлик намунаси бўлиб хизмат қилиши, меҳнат жамоасининг вазиятни барқарорлаштиришга, ижтимоий ва миллатлараро кескинликни, қўчиб кетаётган кишиларнинг, энг аввало рус тилида сўзлашувчи аҳолининг кўчиб кетишини камайтиришга лаёқатли ҳақиқий сиёсий кучи бўлиши учун уларнинг мавқеи ва обрўсини оширишга қунт билан эришиш керак.

Мажлисда Тошкент вилояти раҳбарларининг «Тошкент вилояти халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг асосий йўналишлари ва бозор иқтисодиётига ўтиш қоидалари тўғрисида»ги лойиҳани ишлаб чиқиш ва эълон қилишга масъулиятсизлик билан муносабатда бўлаётганликлари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Вилоят раҳбарларининг Тошкент вилояти халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг асосий йўналишлари ва бозор иқтисодиётига ўтиш қоидалари лойиҳасини ишлаб чиқишда ҳамда вилоят газеталарида эълон қилишда назоратсизлик ва масъулиятсизлик қўрсатганликлари тўғрисидаги гаплари маълумот учун қабул қилинди, бу сиёсий хато бўлиб, Ўзбекистон ССЖ Конституциясининг бир қанча қоидаларига, мустақиллик тўғрисидаги жумҳурият Декларациясига, Ўзбекистон Компартияси, жумҳурият ҳукумати ўтказаётган ижтимоий ва иқтисодий сиёсатга зиддир. Марказий Қўмита Бюроси Тошкент вилоят партия қўмитасига мазкур ҳужжатни тайёрлашга ва уни эълон қилишга алоқадор бўлган коммунист раҳбарларга принципиал партиявий баҳо беришни таклиф этди.

Мажлисда Ўзбекистон Компартияси партия ички турмушининг бошқа баъзи масалалари ҳам кўриб чиқилди.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДА СУҲБАТ

22 ноябрь куни Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов меҳр-мурувват ниятини Совет Иттифоқига келган Қуддусдаги мустақил Иоанн орденининг вакили Жан Пьер Терсуни қабул қилди.

Бўлиб ўтган суҳбатда, жумладан, иқтисодиёт, соғлиқни сақлаш, экология соҳасидаги ўзаро фойдали ҳамкорлик масалалари тилга олинди.

Суҳбатда Ўзбекистон ССЖ вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов, жумҳурият ташқи ишлар вазири С. О. Азимов қатнашдилар.

(Ўзбекистон ССЖ Президентининг Матбуот хизмати — ЎзТАГ).

УКРАИНА ВА ЎЗБЕКИСТОН: ҲАМКОРЛИК РОБИТАЛАРИ

• 22 ноябрь куни Тошкентда Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти билан Украина Совет Социалистик Жумҳурияти ҳукуматлари ўртасида 1991—1995 йилларда иқтисодий, савдо ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Битимни Ўзбекистон ССЖ вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов билан Украина ССЖ Вазирлар Кенгашининг Раиси В. П. Фокин имзоладилар.

Ушбу ҳукуматлараро битим жумҳуриятларнинг мустақиллигига ва улар ўртасида юзага келган анъанавий иқтисодий, савдо ва маданий алоқаларга асосланиб тузилганлиги таъкидланди. Томонлар, жумладан, 1991 йилда ўзаро маҳсулот етказиб бериш 1990 йилда белгиланган даражадан кам бўлмаслиги, бундан кейин уларнинг ҳажмини ўзаро мақбул асосда баравварлаштириш юзасидан тадбирлар кўриш хусусида келишиб олдилар. Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ўртасидаги ўзаро маҳсулот етказиб бериш ҳамда бозор муносабатларига ўтишни эътиборга олган ҳолда хизмат кўрсатиш борасидаги бевосита хўжалик алоқаларини сақлаб қолиш, ўрнатиш ва кенгайтиришга ҳам ёрдам берилади.

Ҳамкорликнинг кенг кўламли хилма-хил йўналишлари белгилаб олинди. Бу умумиқтисодий муаммолар ва молия-қарз сиёсати, ижтимоий соҳа ва миллий маданиятни ривожлантириш, истеъмол бозори ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, фан техника тараққиёти, информатика ва экология, саноат ишлаб чиқариши тузилмаларини такомиллаштириш ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳамда бошқа йўналишлардир.

Ҳамкорлик дастури лойиҳасини ишлаб чиқувчи қўшма ишчи комиссиясини тузиш, унда тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро фойдали асосда амалий алоқаларни янада ривожлантиришни назарда тутиш зарурлиги эътироф қилинди.

Шартномани имзолаш пайтида.

Ф. Қурбонбоев олган сурат. (ЎзТАГ).

Иқтисодиёт ва хўжалик идоралари вакилларидан доимий ишлайдиган амалий ҳамкорлик мувофиқлаштирувчи кенгаши ҳам тузиладиган бўлди.

(ЎзТАГ—Укринформ).

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

В. И. Ленин номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент давлат дорилфунунида 21 ноябрь куни олий ўқув юртининг 70 йиллик юбилейи муносабати билан бир гуруҳ олимлар ва мутахассисларга мукофотлар топширилди.

ССЖИ Президентининг Фармонига биноан Тошкент дорилфунуни тарих факультетининг доценти, тарих фанлари номзоди М. Шапсанов Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотланди.

Ўзбекистон ССЖ Президентининг Фармонига биноан кўп йиллик самарали илмий-педагогик фаолияти, халқ хўжалиги учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ишига қўшган катта ҳиссаси, фанни ривожлантиришдаги хизматлари ва фаол жамоатчилик фаолияти учун В. И. Ленин номли Тошкент давлат дорилфунунининг алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларига «Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган фан арбоби», «Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» унвонлари берилди. Ўзбекистон ССЖ Фахрий ёрлиқлари топширилди.

Мукофотларни Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Раиси М. И. Иброҳимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг котиби Ж. Ҳ. Ҳамидов топширдилар.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССЖ Президентининг Фармони

ЎРТОҚ МАРАТ СОДИҚОВИЧ ТОШПЎЛАТОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ЭНЕРГЕТИКА ВА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ ВАЗИРИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Марат Содиқович Тошпўлатов Ўзбекистон ССЖ Энергетика ва электрлаштириш вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССЖ Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1990 йил 22 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН ССЖГА РАСМИЙ ТАШРИФИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Хитой халқ жумҳурияти Шинжонг-Уйғур автоном райони халқ ҳукуматининг раиси

Темир ДАВОМАТ

1927 йилда Шинжонгнинг Тўқсун ноҳияси Бўстон қишлоғида туғилган. Миллати — уйғур.

1952 йилдан ХКП аъзоси, 1954 йилдан буён Шинжонг-Уйғур автоном райони (ШУАР)да давлат ва партия ишида.

1954-1956 йилларда ШУАРнинг Тўқсун ноҳияси халқ ҳукумати раиси бўлиб ишлади.

1957-1964 йилларда Тўқсун ноҳияси ХКП қўмитасининг котиби ва ўриндошлик юзасидан Турфон округи ХКП Қўмитаси котибининг ўринбосари (1958-1964).

1964-1968 йилларда Шинжонг Уйғур автоном райони халқ ҳукумати раисининг ўринбосари бўлиб ишлади.

1978-1985 йилларда Шинжонг-Уйғур автоном райони ХКП қўмитасининг котиби, 5 ва 6-чақириқ ШУАР халқ вакиллари мажлиси доимий қўмитасининг раиси.

1978-1986 йилларда ўриндошлик юзасидан миллатлар ишлари давлат қўмитаси раисининг ўринбосари бўлди.

1985 йилда Шинжонг-Уйғур автоном райони халқ ҳукуматининг раиси этиб тайинланди.

12- ва 13-чақириқ ХКП Марказий Қўмитасининг аъзоси.

3, 4, 6 ва 7-чақириқ халқ вакиллари Умумхитой мажлисининг депутати этиб, 5-чақириқ халқ вакиллари Умумхитой мажлиси доимий қўмитасининг аъзоси этиб сайланди.

1990 йил апрелида ХХР Давлат Кенгашининг Бош вазири Ли Пэнинг ССЖИга қилган расмий ташрифида унга ҳамроҳ бўлди.

Ўзбекистон ССЖда ХХР Шинжонг-Уйғур автоном райони ҳукумат делегациясининг 23 ноябрда бошланадиган ташрифини табриклайдилар ва бу ташриф Ўзбекистон билан ШУАР ўртасидаги ҳамкорликни, ССЖИ ва ХХР халқларининг дўстлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб умид қиладилар (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ УСТАВИ ВА ҲАРАКАТ ДАСТУРИ ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАДА

⊙ Ўзбекистон Коммунистик партияси, унинг барча ташкилотлари Ўзбекистон ССЖ Конституцияси, Совет қонунлари доирасида, КПСС Программаси ва Устави асосида ва доирасида ҳаракат қилар экан, жумҳуриятнинг давлат қурилиши, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий тараққиёти юзасидан таклиф этилган дастурлар учун, шунингдек ўзларининг сиёсий қарорлари ва амалий ҳаракатлари учун ҳам тўла сиёсий масъулиятни ўз зиммасига оладилар.

(Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Устави лойиҳасидан).

⊙ Ўзбекистон Коммунистик партияси, коммунистлар ва партиясизларни, жумҳуриятимизнинг барча меҳнаткашларини мазкур Ҳаракат дастурини амалга ошириш юзасидан амалий ишларга ғайрат билан киришишга, ўз кучлари, билимлари ҳамда маҳоратларини Ўзбекистон ССЖни ижтимоий-иқтисодий, миллий ва маънавий ривожлантириш вазифаларини рўёбга чиқаришга, унинг мустақиллигини мустаҳкамлашга сарфлашга даъват этади.

(Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Ҳаракат дастуридан).

АНИҚРОҚ БЎЛСИН

Коммунистлар партия ички ва ташқи сиёсати, партия ички турмуши масалаларини ўртага қўйиш ва эркин муҳокама қилиш ҳуқуқига эга. Бу жиҳатдан яқинда матбуот орқали муҳокамага қўйилган Ўзбекистон Компартияси Устави лойиҳасида қайд этилган қоидалар катта аҳамиятга эга. Лойиҳа шу кунларда шаҳримиз коммунистлари ўртасида синчковлик билан муҳокама қилинмоқда. Улар жумҳурият Коммунистик партиясининг ҳозирги шароитда омма орасидаги фаолият шакллари ва усулларини тубдан янгилаш йўллари тўғрисида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирмоқдалар, аниқ таклифларини айтмоқдалар.

Дарҳақиқат, мазкур Устав Ўзбекистон Коммунистик партиясининг мустақил сиёсий ташкилот сифатида мавқеини мустаҳкамлайди, коммунистларнинг амалий фаолияти эҳтиёжига хизмат қилади. Қарши қурилиш бошқармаси, 10-дон маҳсулотлари комбинати, ёғ-экстракция заводи ва бошқа бир қатор ташкилот, муассаса коммунистлари лойиҳа муҳокамасига оид партия йиғилишига тайёргарлик кўряптилар.

Сирасини айтганда, Ўзбекистон партия ташкилоти ўз обрўсини, сиёсий ташкилот сифатида етакчилик ролини сақлаб қолаётганлиги унинг жумҳуриятимиз аҳолиси кенг қатлами манфаатларини ифодалаётганлиги ва қатъий туриб ҳимоя қилаётганлигидадир. Жумҳуриятимизнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаёти умумиттифоқ даражасидан фарқ қилар экан, **кундалик ҳаёт Ўзбекистон Коммунистик партияси ўз ҳаракат дастури ва низоми асосида мустақил ишлаши кераклигини исбот қилмоқда. Мана шу жиҳатнинг Уставда аниқ-равшан акс эттирилишини истайман. Агар шундай қилинмаса ҳамда лойиҳада таъкидланганидек КПСС Программаси ва Устави доирасида чекланиб қўя қолингудек бўлса, бу вақтда мазкур ҳужжатни қабул қилиш учун зарурат ҳам қолмайди.** Чунки Ўзбекистон Компартияси стратегик жиҳатдан КПСС Программасига асосланадиган бўлса ҳам тактикамиз жумҳуриятдаги муайян вазиятдан келиб чиқмоғи даркор.

Назаримда, Устав лойиҳасидаги айрим бандларда фикрлар такрорланиб, баъзи жойларида эса изоҳ талаб қиладиган ўринларга ҳам йўл қўйилган. Масалан, лойиҳанинг 12-бандида демократик централизм шарҳланиб, **«Партиянинг барча раҳбар, ижроия ва назорат органлари аксарият ҳолларда муқобиллик асосида яширин овоз бериш йўли билан сайлаб қўйилишни», деб қайд этилса 16-бандда шу фикр қайта такрорланган.** Ёки лойиҳанинг 11-бандини олайлик: унда **«Жиноий жавобгарликка тортилган коммунистларнинг партияга аъзолиги масаласи суд ҳукми кучга киргандан кейингина кўриб чиқилади»**, деган жумла бор. Хўш, тергов ва суд текширувлари йиллаб чўзилиб кетса унда нима бўлади? Кўриниб турибдики, лойиҳанинг шу **ўрни хира чиққан, тўғрироғи унда аниқлик етишмайди.** Бундай бир-бирига ўхшаш қоидани 27-бандда ҳам кўриш мумкин. Унда «Назорат комиссиялари... айбдор бўлган кишиларни жавобгарликка тортадилар...» деб қайд этилган-у, аммо шу ерда қандай жавобгарлик назарда тутилаётганлиги номаълум бўлиб қолган. Агар партиявий дейдиган бўлсак, лойиҳанинг 11-банди иккинчи абзацида «Партия аъзоларига нисбатан танбеҳ бериш ёки ҳайфсан эълон қилиш тарзида партиявий тарбия ва таъсир чораларини кўриш мумкин»лиги назарда тутилган холос.

Тажрибадан маълумки, бошланғич партия ташкилотлари котиблари кўпинча партия йиғилишлари, комитет (бюро) мажлисларини режалаштириш ва ўтказишда маъмурият тўсқинликларига дуч келадилар. Шунинг учун ҳам Устав лойиҳасининг **24-моддасида партия комитет (бюро)лари мажлисларини ўтказиш муддатлари аниқ қилиб кўрсатилиши керак.** Чунки партия комитетлари ва бюролари мажлислари ҳам коммунистларни тарбиялаш, фаоллигини оширишнинг муҳим омилларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Компартияси Устави лойиҳасида баъзи жумлалар рус тилидан ўзбек тилига чуқур мулоҳаза қилмай таржима этилганга ўхшаб қолган. Ҳолбуки Устав олим, зиёли, оддий чўпон ёки деҳқон учун ҳам тушунарли тилда, равон ёзилмоғи керак. Уставнинг қиймати унинг барқарорлигидадир. Ўйлаймизки, пухта ўйланиб, узоқни кўзлаб, қабул қилинаётган мазкур ҳужжат жумҳуриятимиз коммунистларини жипслаштиришга, фаоллигини янада оширишга, умуммақсад йўлида аниқ ҳаракат қилишга сафарбар этади. У кундалик амалий фаолиятимиз мезонини белгилайдиган муҳим восита бўлиб қолади.

М. МАҲМУДОВ,
Қарши шаҳар партия комитетининг иккинчи котиби.

ҲАР КИМ ЎЗ ИШИНИ ВИЖДОНАН БАЖАРСИН

МЕН бир умр қишлоқда яшаб, ҳалол меҳнат қилдим. Оддий коммунист сифатида партиянинг етакчи сиёсий куч сифатидаги истиқболига ишонаман. Бундай хулоса жуда кўп сафдошларимнинг кўнглидан ҳам ўрин олган. Айниқса Ўзбекистон Компартияси ўз Устави ва Ҳаракат дастурига эга бўлаётгани, ана шу муҳим ҳужжатлар лойиҳалари умумхалқ муҳокамасига қўйилганидан сўнг бу ишонч янада мустаҳкамланди. Ҳозир жумҳуриятимиз сиёсий ва иқтисодий мустақилликка ўтишдек ўта муҳим бир босқичда турган экан, ҳар бир партия ташкилоти ва ҳар бир коммунист ўз зиммасига жуда катта масъулият қабул қилиши лозимлигини чуқур ҳис этиши зарур. Булардан ташқари бозор иқтисодиёти сари қўйилаётган қадам ҳам ҳар биримиздан жузъий муаммоларга, турли хил икир-чикирларни аниқлашга, майда ички партиявий масалаларга ўралашиб қолмай, балки янги шароитда иқтисодий ва сиёсий муносабатларни шакллантириш жараёнларининг марказида туришимизни, одамларнинг турмуш шароитини яхшилаш, уларнинг иқтисодий манфаатларига эътиборни янада кучайтиришимиз лозимлигини тақозо этади.

Ўзбекистон Компартияси Устави лойиҳасида бошланғич партия ташкилотларининг роли ва мавқеи кучайтирилганлигидан, уларга принципиал масалаларда мустақиллик бериш ижобий ҳал этилаётганлигидан барча коммунистлар мамнун бўлмоқдалар. Бироқ, эндиликда янгича шароитда бошланғич ташкилотлар партиянинг асоси эканлигини амалда, кундалик таъсирчан партиявий иш билан исботламоқлари зарур. Бунда ҳар бир коммунистнинг қиёфаси, унинг чинакам виждонлилиги, софдиллиги, адолатпарварлиги ва ростгўйлиги муҳим рол ўйнайди. Мен жумҳурият Компартияси Устави лойиҳасини синчиклаб ўқир эканман, партия аъзосига ана шу жиҳатдан ёндашиш зарурлиги лойиҳада ўз аксини топмаганлигидан афсусландим. **Партиямиз халқнинг авангард кучидир. Шундай экан, унинг ҳар бир аъзоси ҳар жиҳатдан бошқаларга нисбатан намуна бўлиши, ўрнак кўрсатиши зарур. Мен Уставда ана шу жумлаларнинг ўз аксини топиши жоиз деб биламан.**

Лойиҳанинг «Ўзбекистон Коммунистик партияси аъзолари» деб номланган бўлими билан танишарканман унинг 7-бандида қайд этилган «18 ёшга етган, партиянинг дастурий ҳужжатларини тан оладиган ва Ўзбекистон Компартияси Уставини бажарадиган, унинг бошланғич ташкилотларидан бирида ишлайдиган ва партияни мунтазам равишда моддий маблағ билан қўллаб-қувватлаб турадиган Ўзбекистон ССЖ фуқароси Ўзбекистон Коммунистик партиясининг аъзоси бўлиши мумкин», деган қоидадан қониқиш ҳосил қилмадим. Менимча, партияга кираётган ҳар бир фуқарога қўйилаётган шартларни янада такомиллаштириш, партия аъзосининг масъулиятини ошириш зарур. Ана шунда партия сафига нолойиқ кишиларнинг кириб қолишига йўл қўйилмайди. Аксинча Коммунистик партияга бир умр содиқ бўлиб қолишга қарор қилган шахсларгина унга аъзо бўладилар.

Энди «18 ёшга етган» деган сўзни олайлик. Ростмана айтганда инсон 18 ёшга кирганида эндигина балоғатга етиб, бирор касбнинг этагини ушлаётган бўлади. Бу ёшда киши турмушнинг оғир-енгилликларини ҳали бошидан кечирмайди, ҳаётнинг паст-баланд йўлларини босиб ўтмаган бўлади. Шунингдек уларни ўзлари ишлаётган корхона ёки ташкилотда ҳам жамоа яхши таниб улгурмаган бўлади. Шундай экан, мен **партия сафига 18 ёшга етган йигит ва қизларни қабул қилиш нотўғри деб биламан ва «18 ёш» ўрнига «22 ёш» деб белгилаб қўйилишини истайман.**

Лойиҳанинг 10-бандида партия сафига кириш учун бошланғич партия ташкилотининг таклифига биноан бир йилгача синов муддати, шунингдек партия аъзоларидан икки кишининг кафиллиги белгилаб қўйилиши мумкин, деб қайд қилинган. Мен шу ўринда **бир йилгача синов муддати белгиланишига қўшиламан. Аммо «партия аъзоларидан икки кишининг кафиллиги» деб таъкидланган жойга «камида беш йиллик партия стажига эга бўлган» деган жумлани киритиб қўйишни таклиф қиламан.** Зеро, кўпроқ партия стажига эга бўлган коммунист шу ерда ўзи билан бирга ишлаётган кишиларнинг аҳволи-руҳиятидан, унинг қандай инсон эканлигидан яхши хабардор бўлади.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Ҳаракат дастури лойиҳаси билан ҳам чуқур танишдим. Чиндан ҳам ушбу дастур жумҳуриятнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги, ижтимоий адолатни, маънавий янгиланишни, Ўзбекистон ССЖдаги барча миллат ва элатлар учун муносиб турмуш шароитини таъминлашга қаратилган.

Ҳар бир ҳужжат лойиҳаси ўзгартишларга ва тузатишларга муҳтож бўлганидек, ушбу дастур лойиҳасини ўқиш жараёнида ҳам айрим фикр ва мулоҳазалар пайдо бўлиши табиий, албатта. Шулардан айримларини мен қуйида билдирмоқчиман.

Дастур лойиҳасининг «Ўзбекистон ССЖнинг чинакам сиёсий мустақиллиги учун» деб номланган қисмининг иккинчи абзацини «бошқа мол-мулк объектлари фақат жумҳуриятнинг мулкидир» деб якунлаш жоиз. Ундаги «бўлиши керак, деган фикрда қатъий туради» жумласи ортиқча. Чунки, гап аниқ ва узил-кесил қилиб қўйилмас экан, унда мавҳумлик ва фикрлар тарқоқлиги яққол сезилиб қолади. Мен шунингдек ана шу қисмнинг **«Ўзбекистон Компартияси мустақил жумҳуриятнинг» деб бошланадиган абзаци иккинчи жумласи якунини «ҳаракат қилади» деб эмас, «эришади» деб туғаллашни таклиф қиламан.**

Энди шу қисмдаги «Ўзбекистон коммунистлари мустақил ҳуқуқий давлат барпо этилишига амалий ишлар билан кўмаклашадилар», деган абзацини олайлик. Унда «давлатда ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижрочи ва суд ҳокимиятига тақсимлаш орқали демократия ва қонунийлик таъминланиши» ҳақида сўз боради. Газетхон мана шу жумлаларни ўқир экан, бу фикрлар қайси давлатга — Ўзбекистон ССЖгами ёки умуман ССЖИга тегишлими, деган фикрга бориб қолади. Шунда иккиланиш пайдо бўлади. Мана шундай фикрлар бўлиниши рўй бермаслиги учун мен **«Ўзбекистон коммунистлари» сўзларидан сўнг «Ўзбекистон ССЖ ҳудудида» деган аниқловчи сўзларни киритиш лозим,** деб биламан.

Жумҳурият Компартияси Устави ва Ҳаракат дастури лойиҳалари умумхалқ муҳокамасига қўйилар экан, бу ҳужжатлар партия йиғилишларида ҳам кўриб чиқилиши ва коммунистларнинг фикр-мулоҳазалар билдириши табиийдир. Хўжалигимиз партия ташкилотида Устав лойиҳасига бағишланган йиғилиш бўлди. Унда кўпгина коммунистлар ўз таклифларини ва фикр-мулоҳазаларини айтиш билан бирга бошланғич ташкилотдаги ҳозирги аҳвол ҳақида ҳам баъзи мулоҳазалар билдирдилар. Ҳозирги мураккаб шароитда ҳар бир коммунист партияга ўз садоқатини, ҳурматини амалий иш билан кўрсатиши лозимлигини алоҳида қайд этдилар.

Масалан, мен ўзимнинг энг асосий вазифамни пахтачилик ривожига муносиб ҳисса қўшишда деб биламан. Ўттиз йилдирки ана шу соҳада ишлаб келяпман. Жумҳурият партия ва ҳукумати белгилаган тадбирлар туфайли пахта майдонлари бирмунча қисқарди. Натижада биз кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган бошқа неъматлар ҳам етиштириш имкониятига эга бўлдик. Бригадамизда биринчи марта 25 гектарда картошка, 34 гектарда ерёнғоқ ва 22 гектарда буғдой ҳосили етиштирилди. Экин майдонларини 38 звенога тақсимлаб бердик. Очиғи, барча соҳада ҳосилимиз мўл, даромадимиз кўп бўлди. Демак, биз қанчалик унумли, самарали меҳнат қилсак, барча соҳаларда оқилона иш юритсак, эл олдидаги обрў эътиборимиз ҳам ортиб бораверади.

С. ЭРГАШЕВ,
Каттақўрғон районидаги Энгельс номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи. КПСС XXVIII съезди делегати.

ЙЎЛИМИЗ ҚАТЪИЙ

Кейинги вақтда қишлоқларимизда катта ўзгаришлар юз бераётганлигини мамнуният билан таъкидлашни истардим. Бу, аввало, минг-минглаб ёш оилаларга томорқа участкалари берилганлигидир. Фақат хўжалигимизнинг ўзида юздан ортиқ оила учун 20 гектарга яқин суғориладиган ерлар ажратилди. Айни кунларда ана шу майдонларда қурилиш ишлари қизғин давом этмоқда. Бу ишнинг бошланишида жумҳурият Коммунистик партияси Марказий Комитети ташаббускорлик кўрсатганлиги ҳаммага маълум.

Умуман, жумҳуриятимизда инсон партия сиёсатининг марказида тутилмоқда. Буни ҳамма кўриб-билиб турибди. Меҳнаткашлар маъқуллаб кутиб олган «Меҳр-мурувват» дастурининг қабул қилинишида у бош-қош бўлган эди. «Иш билан таъминлаш» жумҳурият давлат режасининг ишлаб чиқилиши ҳам унинг номи билан боғлиқ. Партиямизнинг фаолиятидан бундай характерли мисолларни яна келтириш мумкин.

Мен жумҳурият Коммунистик партиясининг Ҳаракат дастури лойиҳасини ўқир эканман, у бундан кейин ҳам ҳар бир алоҳида оила, қишлоқ, ноҳия ва шаҳар турмушида равнақ ва хотиржамликни таъминлаш учун астойдил бел боғлаганлигига яна бир бор ишондим. Ҳали қишлоқда қилиниши лозим бўлган ишлар кўп. Қишлоқ аҳолиси меҳнати ва турмуш шарт-шароитини яхшилаш аграр сиёсатнинг бош вазифаларидан бири бўлиши керак. Унинг ижтимоий қиёфаси мустаҳкамланиши ва ривожланиши учун қўшимча капитал маблағ, моддий ресурслар қидириб топилиши ва сарфланиши, қишлоқдаги уйларни сув билан таъминлаш ва газлаштириш муаммоси тубдан ҳал этилиши лозим. Бу ишларга партия раҳнамолик кўрсатиши айни муддаодир.

Ҳаммамизга аёнки, партиянинг обрўси унинг асосий принципи: халқ манфаатлари — партия манфаатларидир, деган қоидани рўёбга чиқаришдадир. Кўпчилик эътиборига ҳавола қилинган Ҳаракат дастури жумҳурият Коммунистик партияси бу йўлда принципиал, ижодий иш олиб боришга қарор берганлигини кўрсатади.

А. АБДУВАЛИЕВ,
Калинин районидаги «Қорасув» совхози директори, район Советининг депутати.

АМАЛИЙ ФАОЛИЯТ

БОЗОР иқтисодиётига ўтилгач, аҳволимиз нима кечади деган муаммо анчадан буён қишлоқ меҳнаткашларини ташвишга солиб келяпти. Тўғри, қаровчиси йўқ кексалар, кам даромадли ва кўп болали оилаларга моддий ёрдам бериш ҳақида тушунтириш ишлари олиб бориляпти. Лекин айтилаётган гап, берилаётган ваъдалар одамларни қаноатлантирмайди. Ҳозир халқимиз партия ва совет ташкилотларидан аниқ ҳаракатни ва амалий ишларни кутяпти.

Шу нуқтаи назардан қараганда Ўзбекистон Компартияси ўз Ҳаракат дастури лойиҳасини эълон қилгани айни муддао бўлди. Унда бозор иқтисодиёти даврида меҳнаткашларнинг турмуш шароитини яхшилаш борасида аниқ режалар белгиланган. Лекин шундай бўлса ҳам бу ҳужжат ўз номи билан лойиҳа, у таҳрир қилиш, тўлдириш ва тузатишларга муҳтож.

«Аҳоли фаровонлигини ошириш ҳар бир киши учун муносиб шароитларни таъминлаш — Ўзбекистон Компартиясининг бош мақсади» деб номланган бўлимда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида аҳолини фойдали меҳнатга жалб этиш муҳим аҳамиятга эга дейилган. Тўғри, ҳақиқатан ҳам ишсизлик муаммосини ҳал қилишни кечиктирмай амалга ошириш лозим. Аммо бунинг учун кўп жойларда шароит ва имкониятлар бор бўлгани билан ана шу имкониятларни рўёбга чиқариш жуда ҳам қийин кечяпти. Масалан, қишлоқ жойларда маҳсулотларга бирламчи ишлов бериш мақсадида кичик-кичик корхоналар қуриш режалаштирилган. Бундай корхоналар айни пайтда беиш кишиларни доимий иш билан таъминлаш имкониятини ҳам берган бўларди. Бироқ шундай корхоналарни қуриш ва ишга тушириш қурилиш материаллари етишмаётганлиги сабабли ғоят қийин бўляпти. Бизнинг хўжалигимизда ҳам худди мана шундай аҳвол содир бўлмоқда. Жамоа хўжалиги раҳбарияти қишлоқда корхоналарнинг филиалларини очиш, бичиш-тикиш цехларини қуришни режалаштирган эди. Бироқ уни қурилиш материаллари, дастгоҳ ва зарур техника билан таъминлашни ўз зиммасига оладиган бирорта ташкилот ёки савдо шаҳобчаси топилмаяпти. Натижада режа режалигича қолиб кетмоқда. Мен ана шуни эътиборга олиб Ҳаракат дастурида қишлоқларда қуриладиган кичик корхоналарни барча зарур нарсалар билан таъминловчи мутасадди ташкилотларни аниқ қилиб кўрсатиш лозим деб биламан ва бу фикрнинг дастурда ўз аксини топишини истайман. Зеро, бундай аниқлик жамоа ва давлат хўжаликларида айни пайтда кишиларни иш билан таъминлаш муаммосини анча енгиллаштирган бўларди.

Ш. АШИРМАТОВ,
Наманган вилоятидаги «Ленинград» жамоа хўжалиги партия комитети котиби.

ТАКЛИФ ҚИЛАМАН

ЎЗБЕКИСТОН Компартияси Устави ва Ҳаракат дастури вужудга келаётгани жумҳуриятимиз иқтисодий ва сиёсий мустақилликка эришаётган бир пайтда биз — коммунистлар учун катта воқеадир. Мен ҳар иккала ҳужжатни синчиклаб ўқиб чиқдим, уларни маъқуллаган ҳолда ўқиш жараёнида вужудга келган баъзи таклифларим билан муҳокамада қатнашмоқчиман.

Аввало Устав лойиҳаси ҳақида. Ундаги айрим бандлар ҳаддан ташқари чўзилиб, жумлалар мураккаблашиб, уч-тўрт марта ўқигандан кейингина уларнинг маъносига тушуниб етиш мумкин. Айниқса лойиҳанинг III ва IV бобларидаги абзацлар, гаплар жуда ҳам узундан узоқ. Уларни ўқиган киши жумланинг охирига бормай, гапнинг бошида сўз нима ҳақида бораётганини унутиб қўяди. Таклифим шуки **Уставдаги жумлалар қисқа, фикрлар лўнда ва аниқ кўрсатилиши зарур.** Ушбу лойиҳанинг еттинчи бандида қайд этилган «...**Партиянинг дастурий ҳужжатларини тан оладиган ва Ўзбекистон Компартияси Уставини» деган жумладан сўнг «жамоат ишларида фаол қатнашадиган, кейинги иш жойида камида бир йил узлуксиз ишлаган»,** деб ёзиб қўйилишини таклиф қиламан.

Д. ОЧИЛОВ,
Манғит йигирув-тўқув фабрикаси бошланғич партия ташкилоти котиби. Қорақалпоғистон МССЖ.

Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқи Президентининг

ФАРМОНИ

Ўзбекистон Фуқаро авиацияси бошқармасининг Ил-76 самолёти экипажи аъзоларини «Шахсий мардлик кўрсатганлиги учун» орденлари билан мукофотлаш тўғрисида

Мураккаб авария вазиятида мардлик, юксак касб маҳорати ва омилкорлик кўрсатганлиги учун қуйидагилар **мукофотлансин:**

«Шахсий мардлик кўрсатганлиги учун» ордени билан
Александр Афанасьевич **Гордоев** — авиация техниги.
Александр Леонтьевич **Грачков** — экипаж штурмани.
Валерий Серафимович **Гресько** — қўшма авиаотряд командирининг ўринбосари.
Александр Кириллович **Касаткин** — кема командири.
Виктор Михайлович **Лютаревич** — борт радисти.
Миркамол Акбарович **Мирҳайдаров** — борт оператори.
Игорь Александрович **Пирогов** — авиация техниги.
Анатолий Зиновьевич **Фоменко** — иккинчи учувчи.
Сергей Борисович **Цуприка** — катта борт оператори.
Владимир Ильич **Черемних** — борт инженери.

Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқининг Президенти
М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил, 15 ноябрь.

ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИНИ ШАРҲЛАЙМИЗ

МАРДЛИК ВА ЮКСАК МАҲОРАТ УЧУН

ССЖИ Президенти М. С. Горбачевнинг Фармонига биноан Ўзбекистон Фуқаро авиацияси бошқармаси ИЛ-76 экипажининг аъзолари «Шахсий мардлик кўрсатганлиги учун» ордени билан мукофотландилар. Мураккаб авария ҳолатида мардлик, юксак касб маҳорати ва тадбиркорлик кўрсатган ўн кишининг фидойилиги шундай баҳоланди.

Воқеа 12 июнь куни эрта тонгда рўй берган эди: кўп юк ортиладиган ИЛ-76 самолёти 7600 метр баландликда Қобул аэропортидан 35 километр нарида учиб борарди. Экипаж Афғонистон Жумҳуриятига юк олиб кетмоқда эди. Ҳаво кемаси пастлаётган вақтда унга отилган «Стингер» ракетасидан шикастланди. Ракета самолёт корпуси олд қисмининг чап томонига тегди, электр таъминоти тасмасини узиб юборди. Ракета тўғри келиб текканлиги сабабли эни бир ярим, бўйи 2 метрли тешик пайдо бўлди. Ёнғин чиқди, одамлар бахтига эсаётган шамол уни ўчирди. Кабинага ҳаво кира бошлади, иккита двигатель, ғилдираклар чиқарадиган система бутунлай ишламай қўйди.

Ана шундай жуда мушкул вазиятда экипаж ўз ихтиёрига бўйсунмай қўйган оғир машинани оддий, тупроқли аэродромга қўндиришга қарор қилди. Самолётнинг учиш тезлиги учиш-қўниш майдончасига тушаётган шу турдаги ҳаво кемасининг одатдаги тезлигига нисбатан кўп бўлганлиги аҳволни янада оғирлаштирди. Самолётнинг қўнаётган вақтдаги тезлиги одатдагидан 140 километр ортиқ, яъни 350 километрни ташкил этарди. ИЛ-76 самолётидан фойдаланилган йиллар ичида ҳеч ким бундай шароитда ерга қўнмаган эди.

Лекин учувчилар юксак маҳорат кўрсатишди. Экипажнинг бирорта аъзоси жиддий шикастланмади, 3 кишигина енгил лат еди. Тошкентлик учувчиларнинг юксак маҳорати бунда ўз таъсирини кўрсатди. Оғир самолёт қорни билан жуда катта тезликда ерга қўнаётганида унинг гавдаси шикастланди. Шундан кейин Тошкентга машинанинг шикастланмаган қисмлари олиб келинди.

(ЎзТАГ мухбири).

МЕҲНАТ ЖАМОАЛАРИДА

ҚУРИЛИШ ЖАДАЛЛАШМОҚДА

«Аралводстрой» ихтисослашган қурилиш бирлашмаси бунёдкорлари мухтор жумҳурият районларида ишни жадал олиб боришяпти. Жумладан, ҳозиргача улар Тўрткўл районидаги «Пахтаобод» совхозида 784 ўринли, «Спутник» посёлкасида 834 ўринли, Қўнғирот районидаги Ажиниёз номли совхозда 624, Чимбой районида 1176, Беруний шаҳрида эса 834 ўринли мактаблар бунёд этиб, фойдаланишга топширдилар.

Бинокорлар боғча-ясли, касалхона ва турар-жой биноларини қуришда ҳам ғайрат кўрсатишаётир. Бирлашма бўлинмалари жорий йилда ўнта болалар боғчасини ишга туширишни мўлжаллашган эди. Шу кунгача 885 ўринли 7 та болалар боғчаси фойдаланишга топширилди. 80 минг квадрат метрдан зиёд уй-жой объектлари қурилди. Тўрткўл, Бўстон, Беруний шаҳарларида ҳар кунига 405 нафар кишини қабул қила оладиган поликлиникалар барпо этилди.

Айни кунларда эса «Аралводстрой» меҳнат жамоаси йилнинг сўнгги кварталини ҳам муваффақиятли якунлаш мақсадида янги объектлардаги қурилиш-монтаж ишларини қизғин давом эттиришяпти.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ХОНАТЛАС ЖИЛОСИ

Марғилондаги «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси Тилаволди Ғиёсов яқинда 9 йиллик режани бажаргани ҳақидаги меҳнат рапортига имзо чекди. Тажрибали ишчи ўтган тўрт йилу ўн ой мобайнида 84 минг 985 метр хонатлас тўқиди. У тўқиган газламаларнинг қарийб 95 фоизи биринчи навларга қабул қилинди. Т. Ғиёсов малакасининг юқорилиги, бошқаларга қараганда дадил ва эпчилроқ ҳаракат қилиши туфайли ана шундай кўрсаткичларга эришди.

Моҳир тўқувчи айни кунларда ҳам тинимсиз изланиб, кўпроқ дастгоҳ бошқаришга ҳаракат қиляпти. Ҳар ойда режадаги 1100 ўрнига 3000 метрдан хонатлас тўқиш билан бирга, шогирдларига ўз тажрибасини сидқидилдан ўргатмоқда.

— Ешлигимдан хонатлас жилоси мени ўзига тортган. Шу-шу тўқувчилик касбига меҳр қўйганман, — дейди Т. Ғиёсов. — Ўттиз йиллик меҳнат фаолиятим халқимизга бежирим газламалар тўқиб беришдан иборат бўлганлиги билан ҳам фахрланаман.

А. ҚИРҒИЗОВ.
Фарғона вилояти.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН ССЖДА МУЛКЧИЛИК ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССЖда мулк дахлсиздир.

Ўзбекистон ССЖда иқтисодиётнинг самарали амал қилишига ва халқ фаровонлигининг ўсишига имконият яратувчи ҳар қандай шаклдаги мулкчилик бўлишига рухсат бериладк. Мулкчиликнинг ҳамма шакллари дахлсиз бўлишига ва уларнинг ривожланиши учун тенг шароит яратилишига қонун кафолат беради.

Ўзбекистон ССЖ мулкдорга қарашли бўлган мол-мулкни сақлаш ва кўпайтириб бориш учун барча зарур шароитларни яратиб беради. Мулкчилик муносабатлари Ўзбекистон ССЖ Конституцияси, ушбу қонун билан ҳамда уларни ривожлантириш юзасидан жумҳурият номидан чиқарилган қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

I БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. **Мулкий ҳуқуқ.**

1. Ўзбекистон ССЖда мулкий ҳуқуқ тан олинади ва қонун билан муҳофаза этилади.

2. Мулкдор ўз ихтиёрига кўра ўзига тегишли мол-мулкка эгалик қилади, ундан фойдаланади ва тасарруф этади.

Мулкдор ўз мол-мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай хатти-ҳаракатларни қилишга ҳақлидир. У мулкдан қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай хўжалик ёки бошқа фаолиятни амалга оширишда фойдаланиши мумкин.

3. Мулкдор ўзига қарашли мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш ҳуқуқини бошқа шахсларга беришга фақат ўзи ҳақлидир. Ўзбекистон ССЖ қонунларида кўзда тутилган ҳолларда, мулкдорнинг зиммасига бошқа шахсларнинг унинг мулкидан чекланган тарзда фойдаланишига йўл қўйиш вазифаси юкланиши мумкин.

4. Мулкдор Ўзбекистон ССЖ қонун ҳужжатларида кўзда тутилган шартлар ва доира чегарасида ўзига тегишли мулкий ҳуқуқни амалга ошириш пайтида фуқароларнинг меҳнатидан фойдаланиш тўғрисида улар билан шартнома тузишга ҳақлидир.

Фуқаронинг меҳнатидан фойдаланишга асос бўлган мулкнинг қай шаклда эканидан қатъи назар, фуқарога амалдаги қонунлар кўзда тутган меҳнат ҳақи бериш ва меҳнат шароитлари яратиш, шунингдек бошқа ижтимоий-иқтисодий кафолатлар билан таъминланади.

5. Мулкий ҳуқуқнинг амалга оширилиши атроф-муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ва давлатнинг ҳуқуқларини бузмаслиги ҳамда қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларига путур етказмаслиги керак.

2-модда. **Мулкий ҳуқуқ объектлари**

1. Қуйидагилар мулк объектларидир:

Ўзбекистон ССЖ ҳудудидаги ер, ер ости бойликлари, ички сувлар, ҳаво ҳавзаси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, иморатлар ва иншоотлар, асбоб-ускуналар, моддий ва маънавий маданият буюмлари, пуллар, қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулклар; инсоннинг унумли ва ижодий меҳнат қилиш қобилияти;

2. Ихтиролар, кашфиётлар, фан, адабиёт, санъат асарлари, ахборот, илмий гоялар, техник ишланмалар ва ақлий ижоднинг бошқа объектларини яратиш ҳамда улардан фойдаланиш хусусидаги муносабатлар Ўзбекистон ССЖнинг махсус қонунлари билан тартибга солинади.

3. Тарих ва маданият ёдгорликларига мулкий ҳуқуқни амалга ошириш Ўзбекистон ССЖнинг махсус қонунлари билан белгиланиб берилади.

4. Мол-мулкдан хўжаликда фойдаланиш натижалари (маҳсулот ва даромадлар), қонун ёки шартномада бошқа тартиб кўзда тутилмаган бўлса, шу мол-мулк эгасига тегишлидир.

3-модда. **Мулкий ҳуқуқ субъектлари**

Ўзбекистон ССЖда давлат, жумҳурият фуқаролари, коллективлар, уларнинг уюшмалари, жамоат ва диний ташкилотлар, фуқароларнинг оилавий ва бошқа бирлашмалари, халқ депутатларининг барча Советлари уларнинг ўзи вакил қилган органлар сиймосида, ажнабий давлатлар, халқаро ташкилотлар, бошқа хорижий юридик шахслар ва фуқаролар мулкий ҳуқуқ субъектларидир. Турли юридик шахслар ва фуқаролар битта мулкнинг субъектлари бўлиши мумкин.

4-модда. **Мулк шакллари**

1. Ўзбекистон ССЖда мулк қуйидаги шаклларда бўлади:

фуқароларнинг шахсий ва хусусий мулки;

коллектив (ширкат) мулки, шу жумладан оилавий, маҳалла, кооператив мулк, ижарага олинган корхона мулки, акциядорлар жамияти, давлат корхонаси коллективининг, жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар концерн (консорциум)ларининг мулки, турли хўжалик бирлашмалари ва уюшмалар мулки, юридик шахс ҳисобланган бошқа жамоалар мулки;

Жумҳурият, жумҳуриятлараро, Қорақалпоғистон МССЖ маъмурий-территориал тузилмалар (коммунал) мулкидан иборат давлат мулки;

аралаш мулк;

қўшма корхоналар, ажнабий фуқаролар, ташкилотлар ва давлат, шунингдек ажнабий юридик шахслар мулки шаклида юзага чиқади.

2. Ўзбекистон ССЖда мулкнинг ҳамма шакллари тенг ҳуқуқлидир.

5-модда. **Ҳақ ундириб олишни мулкдорнинг мол-мулкига қаратиш**

1. Юридик шахснинг мажбуриятлари бўйича ҳақ ундириб олиш мулк ҳуқуқи, тўла хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида унга тегишли бўлган мол-мулкка қаратилиши мумкин.

Мулкдор ўзи вужудга келтирган юридик шахсларнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, бу юридик шахслар эса мулкдорнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди. Ўзбекистон ССЖ ва Қорақалпоғистон МССЖ қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда бундан мустасно.

2. Фуқаролар ўз мажбуриятлари бўйича мулкий ҳуқуқ асосида ўзларига тегишли бўлган мол-мулк билан жавоб берадилар.

Фуқароларнинг қарз берувчилар даъволарига биноан ҳақ ундириш тарзида олиб қўйилиши мумкин бўлмаган мол-мулклари рўйхати Ўзбекистон ССЖ ва Қорақалпоғистон МССЖнинг қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

II БЎЛИМ. ФУҚАРОЛАРНИНГ МУЛКИЙ ҲУҚУҚИ

6-модда. **Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон ССЖда фуқароларнинг мулки якка тартибдаги мулк; шахсий ва хусусий мулкдан иборат бўлади. Мулкнинг бу шакллари фуқароларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришдаги иштирокидан ўз хўжалигини юритишдан ҳамда кредит муассасаларига қўйилган маблағдан олган даромадлари, акциялардан ва бошқа қимматли қоғозлардан, мерос бўйича ёки қонун йўл қўядиган бошқа асосларга мувофиқ вужудга келади ва кўпайиб боради.

2. Фуқаро меҳнат шартномасига биноан ўзи ишлаб турган корхона, бошқа хўжалик ташкилоти мол-мулкига мулкдорнинг розилигига асосан ўз пулини ёки бошқача ҳиссасини қўшишга ва бундай корхонанинг олган фойдасини (даромадини) тақсимлашда шу ҳисса миқдорини ҳисобга олган ҳолда қатнашишга ҳақлидир.

3. Шахсий ёрдамчи хўжалик, боғдорчилик-полизчилик хўжалиги юритиш, уй-жой бинолари қуриш ва уларга қараб туриш, қонунда кўзда тутилган бошқа эҳтиёжларни қондириш учун фуқароларга умрбод эгалик қилиш учун мерос қилиб қолдириладиган ер берилади.

4. Фуқароларнинг мол-мулкни умрбод мерос қилиб олиш ҳуқуқи эътироф этилади ва қонун билан муҳофаза қилинади.

7-модда. **Фуқароларнинг шахсий мулки**

1. Уй-жойлар, дала ҳовлилар, боғ уйлари, ер участкасидаги дов-дарахтлар, уй ҳайвонлари, транспорт воситалари, пул маблағлари, уй-рўзғор ва шахсий истеъмол буюмлари, шахсий ёрдамчи хўжаликни юритиш, боғдорчилик, полизчилик учун керакли мол-мулклар, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, шунингдек истеъмол ва ишлаб чиқариш характерига эга бўлган бошқа мол-мулк фуқаролар мулки бўлиши мумкин.

Фуқаро ўзининг меҳнат қилиш қобилияти — иш кучига фақат ўзи эгалик қилади. У бу ҳуқуқни мустақил равишда ёки меҳнат шартномаси асосида амалга оширади.

2. Уй-жой кооперативининг, уй-жой қуриш, дала ҳовли, гараж кооперативи ёки бошқа кооперативнинг аъзоси фойдаланиш учун ўзига бериб қўйилган хонадон, дала ҳовли, гараж, бошқа иморат ёки бино учун пай бадалини батамом тўлагач, шу мол-мулкнинг эгаси ҳуқуқини олади.

Давлат ва жамоат уй-жой фондининг уйидан турар жойни ижарага олган киши ва унинг оила аъзолари мулкдордан тегишли хонадон ёки уйни сотиб олиш ҳуқуқига эгадир.

Мазкур мол-мулкни мулк қилиб сотиб олганидан кейин фуқаро уни ўз хоҳишига кўра тасарруф этишга — сотишга, васият қилиб қолдиришга, ижарага беришга, унинг юзасидан қонунга зид бўлмаган бошқа битимлар тузишга ҳақлидир.

8-модда. **Ҳусусий мулк**

Ҳусусий мулк даромад олиш мақсадида мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқини ифодалайди.

Ҳар қандай шаклдаги хусусий мулк мулкдорнинг бевосита ишлаб чиқариш жараёнида ўз меҳнатидан фойдаланиш ёки ёлланма меҳнатни қўллашликка асосланади. Ҳусусий мулк давлат, кооператив ёки бошқа корхоналарнинг мулкини тўлиқ ёки қисман сотиб олишга, ижара мулкини сотиб олиш ёки қонун йўл қўйган асосда эгалик қилишдан иборат.

Ҳусусий мулк бўлиши мумкин бўлмаган объектлар Ўзбекистон ССЖ қонунлари билан белгиланади.

III БЎЛИМ. КОЛЛЕКТИВ (ШИРКАТ) МУЛКИ

9-модда. **Умумий қоидалар**

1. Коллектив (ширкат) мулки, оила, маҳалла мулки, шунингдек кооперативлар мулкини, ижарага олинган акцияли ҳамда коллектив корхоналарнинг мулкини, ижтимоий ва диний ташкилотларнинг, турли хўжалик жамиятлари ва уюшмаларнинг ҳамда юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган бошқа бирлашмаларнинг мулкини ўз ичига олади.

2. Коллектив мулкнинг ҳосил бўлиши ва кўпайиб бориши давлат корхоналарини ижарага бериш, меҳнаткашлар коллективларига олинган даромадлардан давлат мол-мулкини сотиб олиш учун фойдаланиш имконини бериш билан, давлат корхоналарини акциядорлар жамиятларига айлантириш билан, фуқароларнинг ва юридик шахсларнинг мол-мулкини кооперативлар, акциядорлар жамияти ва бошқа хўжалик жамиятлари ҳамда ширкатларини тузиш учун ихтиёрий бирлаштириш билан таъминланади.

3. Коллектив мулкнинг турли шаклларига берилмайдиган корхоналар ва ишлаб чиқаришларнинг рўйхати Ўзбекистон ССЖ Олий Совети томонидан аниқланади.

10-модда. **Оилавий мулк**

Оила аъзоларининг мулки оилавий мулкдир. Бу мулк оиланинг яшаши учун, оила аъзоларининг биргаликдаги эҳтиёжларини қондириш, уй-рўзғор ва ёрдамчи хўжалик юритиш учун ҳамда даромад олиш мақсадидаги қонун рухсат берган фаолият учун зарур бўлган ишлаб чиқариш воситаларини ва истеъмол буюмларини, яратилган маҳсулотни ўз ичига олади.

Оилавий мулк ҳуқуқи ўз субъектларининг ҳар бирига айнан тегишли бўлган шахсий ва хусусий мулкдан иборат бўлиши мумкин.

11-модда. **Маҳалла мулки**

1. Ижтимоий ўз-ўзини бошқаришнинг бошланғич бўғинлари — маҳаллалар эгалик қиладиган, фойдаланадиган ва тасарруф этадиган мол-мулк, маҳалла аҳолисининг биргаликдаги меҳнат фаолияти ёки уларнинг муштарак даромадлари, шунингдек мазкур мол-мулкдан хўжалик мақсадларида фойдаланишдан келган тушумлар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ихтиёрий тўловлари ва моддий ёрдамлари, халқ депутатлари маҳаллий Советлари берадиган молиявий маблағлар асосида вужудга келтирилган мол-мулкдан иборат.

2. Маҳаллада истиқомат қилувчи аҳоли маҳалла мулкининг субъектидир. Ўзи сайлаб қўйган органлар — маҳалла мулкини тўла хўжалик юритиш асосида эгаллайди, ундан фойдаланади ва тасарруф этади.

12-модда. **Кооператив мулк**

1. Хўжаликни биргаликда юритиш ёки бошқа фаолият билан шуғулланиш учун аъзолик асосида ихтиёрий бирлашган фуқароларнинг биргаликдаги мулки — кооператив мулкдир.

2. Кооператив мулк унинг аъзолари берган пул ёхуд бошқа мол-мулк шаклидаги бадаллар, улар ишлаб чиқарган маҳсулот ва уни сотишдан ҳамда кооператив уставида назарда тутилган бошқа фаолиятдан келадиган даромад ҳисобига ташкил топади ва кўпайиб боради.

3. Кооператив тугатилган тақдирда бюджет, банклар ва бошқа қарз берувчилар билан ҳисоб-китоб қилингандан кейин қолган мол-мулк кооператив аъзолари ўртасида тақсимланади.

13-модда. **Ижарага олинган корхона мулки**

Ишлаб чиқарилган маҳсулот, олинган даромадлар ва ижарага олинган корхона маблағи ҳисобидан қўлга киритилган бошқа мол-мулк шу корхона коллективининг мулкидир.

Ижарага олинган корхона меҳнат коллективи аъзоларининг коллектив ишларини идора қилишда иштирок этиш ҳамда фойда (даромад)ни тақсимлаш тартиби ва шартлари Ўзбекистон ССЖнинг ижара тўғрисидаги Қонуни асосида белгиланади.

14-модда. **Коллектив корхонасининг мулки**

1. Коллектив корхонасининг мулки давлат корхонасининг бутун мол-мулки меҳнат коллективининг мулкига ўтган, ижарага олинган мол-мулк сотиб олинган ёки қонунда кўзда тутилган бошқа усуллар билан мол-мулк қўлга киритилган тақдирда вужудга келади.

Коллектив корхонасининг мол-мулки, шу жумладан ишлаб чиқарилган маҳсулот ва олинган даромадлар коллективнинг умумий мулкидир.

2. Коллектив корхонасининг мол-мулки таркибида унинг ходимлари қўшган ҳиссалар белгилаб қўйилади. Бундай ҳисса таркибига ходимларнинг коллектив корхонаси вужудга келишига асос бўлган давлат корхонаси ёки ижарага олинган корхона мулкига қўшган умумий суммаси, шунингдек мазкур корхона вужудга келтирилганидан кейин ходим корхона мол-мулкини кўпайтиришга қўшган улушлари киради.

Ходимнинг мол-мулкни кўпайтиришга қўшган улуши миқдори корхона фаолиятида ўз меҳнати билан иштирок этганига қараб аниқланади ҳамда хўжалик фаолияти натижаларига асосланиб шу улушга меҳнат коллективи белгилайдиган миқдорда процентлар ажратилади ва тўланади.

Корхона билан меҳнат муносабатларини тўхтатган ходима, шунингдек вафот этган ходимнинг ворисларига қўшилган ҳиссасининг қиймати берилади.

Коллектив корхонаси тугатилган тақдирда ҳиссанинг қиймати ходимларга (уларнинг ворисларига) бюджет, банклар билан ва бошқа қарз берувчилар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган мол-мулкдан тўланади.

15-модда. **Акцияли жамиятнинг мулки**

1. Акцияли жамият акциялар сотиш ҳисобига ҳосил бўлган, шунингдек ўз хўжалик фаолияти натижасида олинган ва қонунда йўл қўйиладиган бошқа асосларга биноан қўлга киритилган мол-мулкнинг эгасидир.

2. Корхона, муассасалар, ташкилотлар, давлат идоралари, Ўзбекистон ССЖ, бошқа жумҳурият ва ажнабий давлатларнинг фуқаролари, шунингдек юридик шахслари, Ўзбекистон ССЖ қонун ҳужжатларида ёки жамиятнинг уставида бошқа тартиб кўзда тутилган бўлмаса, акция эгалари бўлиши мумкин.

3. Меҳнат коллективи ҳамда ваколат берилган давлат органининг биргаликдаги қарорига асосан, давлат корхонаси корхонанинг бутун мол-мулки қиймати миқдорида акциялар чиқариш йўли билан акцияли жамиятга айлантирилиши мумкин. Акцияларни сотишдан олинган маблағ давлат корхонасининг қарзлари қопланганидан кейин тегишли бюджетга тушади.

16-модда. **Хўжалик жамияти ва ширкатининг мулки**

1. Юридик шахслар ҳисобланган хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг мулки улар иштирокчиларининг қўшган ҳиссаси ҳисобидан, хўжалик фаолияти натижасида олинган ҳамда улар томонидан қонунда йўл қўйиладиган бошқа асосларда қўлга киритилган мол-мулкдан ҳосил бўлади.

2. Хўжалик жамияти ва ширкати қатнашчиси қўшган ҳисса таркибига асосий ва оборот фондлар, пул маблағлари ва қимматли қоғозлар, шунингдек мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи кириши мумкин.

3. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, давлат идоралари, шунингдек фуқаролар (агар Ўзбекистон ССЖнинг қонун ҳужжатларида бошқа тартиб кўзда тутилмаган бўлса) хўжалик жамиятининг ва ширкатининг иштирокчилари бўлиши мумкин.

17-модда. **Хўжалик уюшмалари (бирлашмалари)нинг мулки**

1. Корхона ва ташкилотларнинг хўжалик уюшмаси (шу жумладан концерн, тармоқ, тармоқлараро ва территориал бирлашма) унга корхона ва ташкилотлар ихтиёрий равишда берган, шунингдек унинг ўз хўжалик фаолияти натижасида олинган мол-мулкнинг эгасидир.

2. Хўжалик уюшмаси унга кирувчи корхона ва ташкилотларнинг мол-мулкига эгалик қилиш ҳуқуқига эга эмас.

3. Хўжалик уюшмасининг фаолияти тўхтатилгандан кейин қолган мол-мулк унга кирган корхона ва ташкилотлар ўртасида келишув асосида ҳамда уларнинг қўшган ҳиссаларини (улушларини) эътиборга олган ҳолда тақсимланади.

18-модда. **Жамоат бирлашмаларининг мулки**

1. Жамоат бирлашмалари (сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, шу жумладан халқ фронтлари, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ветеранлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, кўнгилли жамиятлар, ижодий иттифоқлар, фондлар, уюшмалар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари)нинг мулкида улар уставларида кўзда тутилган фаолиятни моддий жиҳатдан таъминлаш учун зарур бўлган бинолар, иншоотлар, уй-жой фонди, асбоб-ускуналар, маданий-маърифий ва соғломлаштириш мақсадларига хизмат қиладиган мол-мулк, пул маблағлари, акциялар, бошқа қимматли қоғозлар ва мол-мулк бўлиши мумкин.

Жамоат бирлашмалари мулкида, шу бирлашмалар маблағлари ҳисобидан уларнинг уставларида кўрсатилган мақсадларга мувофиқ вужудга келтириладиган корхоналар ҳам бўлиши мумкин.

Жамоат бирлашмаларининг пул маблағлари аъзо бўлиш ва аъзолик бадалларидан, агар уларни тўлаш уставларда кўзда тутилган бўлса; ихтиёрий бадаллар, хайр-эҳсонлар; уставга мувофиқ ўтказилган лекциялар, кўргазмалар, спорт ва бошқа тадбирлардан, лотереялардан тушган маблағлар; ишлаб чиқариш — хўжалик ва ноширлик фаолиятидан олинган даромадлар; қонунда тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобидан ташкил этилади.

Уюшмалар ва уларга кирувчи бирлашмаларнинг шу уюшмаларга қарашли мол-мулкдан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш соҳасидаги ваколатлари уюшмалар ва бирлашмаларнинг уставлари билан белгиланади.

IV БЎЛИМ. ДАВЛАТ МУЛКИ

20-модда. **Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон ССЖнинг давлат мулкига республика мулки, Қорақалпоғистон МССЖ мулки, маъмурий-территориал тузилмаларнинг мулки (коммунал мулк) киради. Давлат мулкини халқ номидан (маъмурий-территориал тузилма аҳолиси номидан) тегишли халқ депутатлари Советлари ва улар ваколат берган давлат органлари тасарруф этадилар ва бошқарадилар.

Давлат мулкининг эгалари ўртасидаги келишувга биноан бу мулк уларнинг умумий мулки бўлиши мумкин.

2. Ўзбекистон ССЖнинг, Қорақалпоғистон МССЖнинг, маъмурий-территориал тузилманинг бюджет ёки бошқа маблағлари ёхуд улар ихтиёридаги корхоналар, ташкилотлар, муассасаларнинг маблағи ҳисобига ҳосил қилинади ёки сотиб олинадиган мулк тегишли равишда Ўзбекистон ССЖнинг, Қорақалпоғистон МССЖнинг мулки ёки маъмурий-территориал тузилманинг мулки бўлади.

3. Ўзбекистон ССЖ, Қорақалпоғистон МССЖ ва маъмурий-территориал тузилмаларнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Қорақалпоғистон МССЖ, маъмурий-территориал тузилма эса Ўзбекистон ССЖнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

21-модда. **Жумҳурият мулкининг объектлари**

1. Ўзбекистон ССЖнинг мутлақо мулкига:

ер, ер ости бойликлари, ички сувлар, республика ҳудуди доирасидаги ҳаво ҳавзаси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси;

Ўзбекистон ССЖ ҳокимият ва идора органларининг мол-мулки;

республика халқларининг маданий ва тарихий бойликлари;

республика бюджетининг маблағлари, республика ва давлат аҳамиятидаги банклари, суғурта, резерв фондлари ва бошқа давлат фондлари;

давлат мулки асосида вужудга келган корхоналар ва халқ хўжалиги комплекслари (ёқилғи-энергетика, конметаллургия, машинасозлик, нефть-газ, химия-ўрмон, агросаноат, транспорт комплекси), давлат олий ўқув юртлари, ижтимоий-маданий соҳа объектлари ҳамда республиканинг суверенитетини ва иқтисодий мустақиллигини таъминлайдиган бошқа мол-мулклар киради.

2. Умумиттифоқ мулкининг Ўзбекистон ССЖ ҳудудида амал қилиш шартлари ССЖ Иттифоқи билан Ўзбекистон ССЖ ўртасидаги шартнома билан белгиланади.

22-модда. **Жумҳурият мулкининг субъекти**

Ўзбекистон ССЖ халқлари республика мулкининг субъектидир. Мулкчилик ҳуқуқини халқ номидан Ўзбекистон ССЖ Олий Совети ва Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлари маҳаллий Советлари амалга оширадилар.

23-модда. **Ўзбекистон ССЖнинг жумҳуриятдан ташқаридаги мулки**

Бошқа жумҳуриятлар ва хорижий давлатларда бўлган давлат, кооператив мол-мулкдан, жамоат ташкилотларининг, шунингдек Ўзбекистон ССЖ фуқароларининг мол-мулкига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш шартлари Ўзбекистон ССЖ қонунлари ҳамда мол-мулк жойлашган иттифоқдош жумҳуриятларнинг қонунлари билан, шунингдек халқаро ҳуқуқ нормалари ва СССР ҳамда Ўзбекистон ССЖ тузган шартномалар билан белгиланади.

24-модда. **Ерга ва бошқа табиий бойликларга мулкчилик**

1. Ер ва ер ости бойликлари, ички сувлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, жумҳурият ҳудуди доирасидаги ҳаво ҳавзаси Ўзбекистон ССЖнинг мустасно мулкидир.

2. Ўзбекистон ССЖ номидан ер, ер ости бойликлари, ички сувлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, бошқа табиий бойликларга эгалик қилиш ҳуқуқини барча даражадаги халқ депутатлари Советлари ва уларга берилган ваколатлар асосида амалга оширадилар.

3. Ер, ер ости бойликлари, сувлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан, бошқа табиий бойликлардан умумиттифоқ эҳтиёжларида фойдаланиш шартнома асосида ва Ўзбекистон ССЖнинг розилигини олгандагина йўл қўйилади.

4. Қорақалпоғистон автоном жумҳурияти томонидан умумжумҳурият эҳтиёжларини таъминлаш учун ер, ер участкалари ва бошқа табиий объектларни бериб қўйиш тартиби Қорақалпоғистон МССЖ билан Ўзбекистон ССЖ ўртасидаги битим билан белгиланади.

5. Ер, сув ва бошқа табиий бойликларни бериб қўйиш ва фойдаланиш юзасидан ССЖ Иттифоқи, иттифоқдош жумҳуриятлар ва Ўзбекистон ССЖ ўртасида чиқадиган баҳслар бетараф ҳакамлар иштирокида ёки қонунда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

25-модда. **Қорақалпоғистон МССЖнинг мулкий ҳуқуқи.**

Қорақалпоғистон МССЖнинг мулкий муносабатлари «Қорақалпоғистон МССЖда мулкчилик тўғрисида»ги Қонуни билан тартибга солинади.

26-модда. **Жумҳуриятлараро мулк**

Ўзбекистон ССЖ мустақил давлат сифатида бошқа иттифоқдош республикалар билан биргаликда республикалараро мулкни вужудга келтириши мумкин.

Бу мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳар бир республиканинг қўшган ҳиссалари (улушлари) асосида амалга оширилади.

Сув ресурсларидан, ҳаво ҳавзасидан ва республикалараро манфаатларга дахлдор бўлган бошқа мулк турларидан фойдаланиш қатъиян шу республикалар ўртасидаги битим асосида, зарур ҳолларда эса ССЖ Иттифоқи иштирокида олиб борилади.

27-модда. **Маъмурий-территориал тузилма мулкининг объектлари (коммунал мулк)**

Қуйидагилар область, район, шаҳар ёки бошқа маъмурий-территориал тузилма мулкининг объектларидир: ҳокимият ва бошқарув идораларининг, маъмурий-территориал тузилмаларнинг мол-мулки, маҳаллий бюджет маблағлари, халқ депутатлари маҳаллий Советининг уй-жой фонди ва турар жой-коммунал хўжалиги, шунингдек саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, савдо-сотиқ, маиший хизмат, транспорт корхоналари, бошқа корхона ва комплекслар, халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш муассасалари, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан вужудга келтирилган ҳамда территорияни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш учун ва тегишли маъмурий-территориал тузилмалар олдида турган бошқа вазифаларни бажариш учун зарур бўлган ўзга мол-мулклар. Республика мулкини коммунал мулкка ўтказиш тартиби ҳар икки томоннинг келишувига биноан белгиланади.

28-модда. **Маъмурий-территориал тузилма мулкининг субъектлари (коммунал мулк)**

Тегишли маъмурий-территориал тузилманинг аҳолиси коммунал мулкнинг субъектидир. Аҳоли ўзининг мулкий ҳуқуқини амалга оширишни маҳаллий Советларга беради.

29-модда. **Давлат корхонасининг мол-мулки**

1. Давлат мулки бўлган ва давлат корхонасига бириктириб қўйилган мол-мулк тўла хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида унга тегишлидир.

Корхона ўз мол-мулки билан тўла хўжалик юритиш ҳуқуқини амалга оширар экан, мазкур мулкка эгалик қилади, ундан фойдаланади ва тасарруф этади, унга нисбатан ўз хоҳиши билан Қонунга зид келмайдиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширади. Тўла хўжалик юритиш ҳуқуқига нисбатан, башарти Ўзбекистон ССЖ қонунларида бошқа тартиб кўзда тутилмаган бўлса, мулкчилик ҳуқуқи тўғрисидаги қоидалар қўлланилади.

2. Давлат мол-мулкини бошқариш ваколати берилган давлат идоралари корхоналарни вужудга келтириш унинг фаолият мақсадларини аниқлаш, уни қайта тузиш ва тугатиш масалаларини ҳал этадилар, унга ишониб топширилган давлат мол-мулкидан самарали фойдаланилишини назорат қиладилар ҳамда ССЖ Иттифоқи ва Ўзбекистон ССЖнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширадилар.

3. Давлат мол-мулкини бошқариш ваколати берилган давлат идораси давлат корхонасини қайта тузиш, жузъийлаштириш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда, мазкур корхона ночор (банкрот) деб топилган ҳоллардан ташқари, меҳнат коллективи корхонани ижарага топширишни ёки уни коллектив мулкка асосланган бошқа корхонага айлантиришда имтиёзли ҳуқуққа эгадир. Бундай ҳолларда давлат идораси билан меҳнат коллективи ўртасида чиққан баҳслар давлат ҳакамлиги томонидан ҳал этилади.

30-модда. **Давлат корхонаси меҳнат коллективи аъзоларининг мулки**

1. Давлат корхонасининг солиқларни ва бюджетга бошқа тўловларни тўлаб бўлганидан кейин қоладиган фойдаси (соф фойда) корхона меҳнат коллективининг мулкига ўтади ва ўз уставига ҳамда ҳаракатдаги Қонунлар асосида амалга оширилади.

2. Меҳнат коллективининг аъзосига тегишли фойда миқдори унинг улуши бўлади.

Корхона тугатилган тақдирда улуш суммаси (акциялар қиймати) меҳнат коллективи аъзоларига (ворисларга) бюджет, банклар билан ва корхонанинг бошқа қарз берувчилари билан ҳисоб-китоб қилингандан кейин қолган мулкдан тўланади.

31-модда. **Давлат муассасасининг мол-мулки**

1. Давлат мулки бўлган ва мулкдор томонидан давлат бюджетида турувчи давлат муассасасига (ташкилотига) бириктириб қўйилган мол-мулк шу муассаса (ташкилот)нинг оператив бошқарувида бўлади.

2. Давлат бюджетида турувчи ва Ўзбекистон ССЖ қонунларида назарда тутилган ҳолларда хўжалик фаолиятни амалга оширишлари мумкин бўлган давлат муассасалари (ташкилотлари) ана шундай фаолиятдан келган даромадларни ва шу даромадлар ҳисобидан ортирилган мол-мулкларни мустақил тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўладилар.

3. Давлат муассасаси (ташкилоти) ўз мажбуриятлари юзасидан ўз эгалигидаги пул маблағлари билан жавоб беради. Давлат муассасасининг (ташкилотининг) маблағи етарли бўлмаган тақдирда унинг мажбуриятлари бўйича тегишли мулкнинг эгаси жавобгар бўлади.

V БЎЛИМ. АРАЛАШ МУЛК

32-модда. **Аралаш мулк ҳуқуқи**

Мулкнинг аралаш шакллари қонунда эътироф қилинган мулкдорларнинг моддий ва пул маблағларини бирлаштириш йўли билан ҳосил қилинади. Аралаш мол-мулкка эгалик қилиш ҳиссавий этиш принципи асосида ҳам, шунингдек ўз маблағларини бирлаштирган мулкдорлар ўртасида даромадларни қўшган улушига қараб тақсимлаш асосида ва томонларнинг келишуви билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Аралаш мулкнинг ўз маблағларини бирлаштираётган мулкдорларнинг мақоми билан белгиланадиган хар хил турлари бўлади. Ўзбекистон ССЖ ва бошқа иттифоқдош жумҳуриятларнинг, ажнабий давлатларнинг, турли юридик шахсларнинг Ўзбекистон ССЖ территориясидаги мол-мулкини, Ўзбекистон ССЖ ва бошқа иттифоқдош жумҳуриятлар, ССЖИ ва ажнабий давлатларнинг мол-мулкини бирлаштиришга йўл қўйилади.

VI БЎЛИМ. ҚЎШМА КОРХОНАЛАР, АЖНАБИЙ ФУҚАРОЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА ДАВЛАТЛАРНИНГ МУЛКИ

33-модда. **Қўшма корхоналарнинг мулки**

Совет юридик шахслари ва ажнабий юридик шахслар ҳамда фуқаролар иштирокидаги қўшма корхоналар Ўзбекистон ССЖ ҳудудида акцияли жамиятлар, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари шаклида тузилади ҳамда таъсис ҳужжатларида кўзда тутилган фаолиятни амалга ошириш учун зарур мол-мулкка эгалик қилиши мумкин.

34-модда. **Ажнабий фуқароларнинг мулки**

Ушбу қонуннинг совет фуқаролари мулкига тааллуқли қоидалари хорижий фуқароларнинг, шу жумладан Ўзбекистон ССЖда доимо яшовчи хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон ССЖдаги мулкига ҳам тегишлидир.

35-модда. **Ажнабий юридик шахсларнинг мулки**

Ажнабий юридик шахслар хўжалик ва бошқа фаолиятни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон ССЖ қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда Ўзбекистон ССЖ ҳудудида саноат корхоналари ҳамда бошқа корхоналарга, бинолар, иншоотлар, тоатибодат, зиёратга хизмат қилувчи объектлар ва бошқа мол-мулкларга эгалик қилишга ҳақлидирлар.

36-модда. **Ажнабий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг мулки**

(Давоми тўртинчи бетда)

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН ССЖДА МУЛКЧИЛИК ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши учинчи бетда).

Ажнабий давлатлар ва халқаро ташкилотлар Ўзбекистон ССЖ ҳудудида халқаро шартномаларда ҳамда Ўзбекистон ССЖ қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда дипломатик, консуллик, ижтимоий-маданий ва бошқа халқаро муносабатларни амалга ошириш учун зарур мол-мулкка эгалик қилишга ҳақлидирлар.

VII. БЎЛИМ МУЛКИЙ ҲУҚУҚНИНГ КАФОЛАТИ ВА ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИ

37-модда. **Мулкий ҳуқуқнинг кафолати**

1. Ўзбекистон ССЖ ушбу қонун билан белгиланган мулкчилик муносабатларининг барқарорлигига кафолат беради. Шунга мувофиқ равишда мулкдорнинг мол-мулкини мажбуран тортиб олишга йўл қўйилмайди. Ўзбекистон ССЖ Қонунларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир.

2. Ўзбекистон ССЖ мулкий ҳуқуқни бекор қиладиган қонун ҳужжатларини қабул қилган тақдирда ана шу ҳужжатлар қабул қилиниши натижасида мулкдорга етказилган зарар ихтиёрий суратда ёки суд қарори билан Ўзбекистон ССЖ томонидан мулкдорга тўла ҳажмда тўланади.

3. Ўзбекистон ССЖ фуқароларга, ташкилотларга ва бошқа мулкдорларга уларнинг мулкий ҳуқуқни ҳимоя қилиши учун тенг шароитларни яратиб беради.

38-модда. **Мулкий ҳуқуқнинг ҳимоя қилиниши**

1. Мулкдор ўзга шахс томонидан қонунга хилоф равишда эгаллаб олинган мол-мулкини Ўзбекистон ССЖ фуқаролари қонунларига мувофиқ талаб қилиб қайтариб олиш ҳуқуқига эгадир.

2. Мулкдор ўз ҳуқуқини ҳар қандай бузишлари, гарчи бундай бузишлар уни мулкка эгалик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса-да, бартараф этишни талаб қилиши мумкин.

3. Мулкий ҳуқуқни ҳимоя қилиш суд, давлат ҳакамлиги ёки бошқа бетараф суд томонидан амалга оширилади.

4. Ушбу моддада кўзда тутилган ҳуқуқлар гарчи мулкдор бўлмаса ҳам, мулкдан тўла хўжалик юритиш, уни оператив бошқариш, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ёки қонунда ёхуд шартномада кўзда тутилган бошқа ҳолларда, мол-мулкка эгалик қилувчи шахсга ҳам тааллуқлидир. Бу шахс ўз эгалигини мулкдордан ҳам ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

39-модда. **Мулкдорнинг ҳуқуқи қонуний равишда тўхтатилган тақдирда унинг манфаатларини ҳимоя қилиш**

1. Мулкдорга қарашли уй, бошқа бинолар, иншоотлар, дов-дарахтлар жойлашган ер участкасини олиб қўйиш ҳақида қарор қабул қилиниши муносабати билан ёки давлат идорасининг мулкдор мол-мулкини бевосита олиб қўйишга қаратилмаган бошқа қарори муносабати билан мулкдорнинг ҳуқуқини тўхтатиб қўйишга фақат Ўзбекистон ССЖ қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибдагина йўл қўйилади. Бунда мулк ҳуқуқи тўхтатилиши оқибатида етказилган зарар мулкдорга батамом тўланади.

Мулкдор норози бўлган тақдирда низо суд, давлат ҳакамлиги ёки бошқа бетараф суд томонидан ҳал этилмагунича, мулк ҳуқуқининг тўхтатилишига олиб борадиган қарор амалга оширилиши мумкин эмас. Мулкдорга етказилган зарарни қоплаш билан боғлиқ барча масалалар ҳам низони кўриб чиқиш жараёнида ҳал этилади.

2. Мулкдор мол-мулкининг давлат томонидан олиб қўйилишига мулкдорнинг мажбуриятлари бўйича ҳақ ундириш шу мулкка қаратилган тақдирдагина Ўзбекистон ССЖ қонунларида кўзда тутилган ҳоллларда ва тартибда, шунингдек ревизия ва мусодара тартибида йўл қўйилади.

Табиий офатлар, фалокатлар, юқумли касалликларнинг тарқалиши, ҳайвонларда касалликнинг кенг ёйилиши ва фавқулодда рўй берадиган бошқа ҳолатларда мол-мулк давлат ҳокимияти идораларининг қарорига биноан жамият манфаатларини кўзлаган ҳолда мулкдорлардан Ўзбекистон ССЖ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартлар билан мажбурий тарзда олиб қўйилиши (реквизиция қилиниши) мумкин ва унга мулкнинг қиймати тўланади.

Ўзбекистон ССЖ қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда суднинг, давлат ҳакамлигининг қарорига биноан мол-мулк мусодара қилиниши мумкин.

40-модда. **Мулкдорларнинг ҳуқуқини бузувчи ҳужжатларнинг ҳақиқий эмаслиги**

Давлат бошқаруви идораси ёки давлат ҳокимияти маҳаллий идораси томонидан қонунга хилоф бўлган ҳужжатнинг қабул қилиниши натижасида мулкдорнинг ва бошқа шахсларнинг ўзларига қарашли мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ёки уни тасарруф этиш борасидаги ҳуқуқлари бузилган тақдирда бундай ҳужжат мулкдорнинг ёки ҳуқуқи бузилган шахснинг даъвосига биноан суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилади.

Мазкур ҳужжатларни чиқариш оқибатида фуқароларга, ташкилотлар ва бошқа шахсларга етказилган зарарлар тегишли ҳокимият ёки идора органи ихтиёридаги маблағ ҳисобидан тўла-тўкис қопланиши шарт.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Президенти

И. А. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1990 йил 31 октябрь.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг қарори

«ЎЗБЕКИСТОН ССЖДА МУЛКЧИЛИК ҲАҚИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ҚОНУНИНИ КУЧГА КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. «Ўзбекистон ССЖда мулкчилик ҳақида»ги Ўзбекистон ССЖ Қонуни эълон қилинган кундан бошлаб кучга киритилсин.

2. Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси:

ССЖИ Вазирлар Кенгаши билан биргаликда умумиттифоқ мулки билан Ўзбекистон ССЖ мулки ўртасида мол-мулкни фарқлаб қўйиш масаласини ҳал қилсин. Бунда жумҳуриятга қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар мол-мулкидан ташқари ҳозирги вақтда Иттифоққа бўйсунадиган ва Ўзбекистон ССЖ мулкига топширилаётган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар мол-мулки ҳам Ўзбекистон ССЖ мулкига кириши кераклигига асослансин;

Қорақалпоғистон МССЖ Вазирлар Кенгаши, халқ депутатлари вилоят, ноҳия, шаҳар Советлари ижроия қўмиталари билан биргаликда Жумҳурият (Ўзбекистон ССЖ) мулки, Қорақалпоғистон МССЖ мулки ва коммунал мулк ўртасида мол-мулкни фарқлаб қўйсин. Бунда Қорақалпоғистон МССЖ ва маъмурий-ҳудудий тузилмалар мулкига маҳаллий бўйсунишдаги мол-мулкдан ташқари Иттифоққа, жумҳуриятга бўйсунадиган ва Қорақалпоғистон МССЖ ва маъмурий-ҳудудий тузилмалар мулкига топширилаётган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мол-мулки ҳам кириши кераклигига асослансин.

1991 йил 1 январгача бўлган муддатда:

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши муҳокамасига давлат ва жамоат хавфсизлиги нуқтаи назаридан ёки ССЖИ билан Ўзбекистон ССЖнинг халқаро шартномаларига мувофиқ фуқароларнинг мулки бўла олмайдиган мол-мулк турларини аниқлаб берадиган қонун ҳужжатларининг лойиҳаларини киритсин;

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашига Ўзбекистон ССЖ қонун ҳужжатларини «Ўзбекистон ССЖда мулкчилик ҳақида»ги Ўзбекистон ССЖ Қонунига мувофиқлаштириш тўғрисида таклифлар тақдим этсин;

Ўзбекистон ССЖ ҳукуматининг қарорларини «Ўзбекистон ССЖда мулкчилик тўғрисида»ги Ўзбекистон ССЖ Қонунига мувофиқлаштирсин;

Ўзбекистон ССЖ вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари ўзлари қабул қилган, «Ўзбекистон ССЖда мулкчилик ҳақида»ги Ўзбекистон ССЖ Қонунига зид бўлган норматив ҳужжатларни қайта кўриб чиқишларини ва бекор қилишларини таъминласин.

3. Ўзбекистон ССЖ қонунлари «Ўзбекистон ССЖда мулкчилик ҳақида»ги Ўзбекистон ССЖ Қонунига мувофиқлаштирилгунича Ўзбекистон ССЖнинг амалдаги қонун ҳужжатлари, модомики мазкур Қонунга зид келмас экан, қўлланилаверади. Шу билан бирга ушбу Қонун кучга киритилгунга қадар Қонунга мувофиқ фақат қонун ҳужжатлари билангина тартибга солинадиган масалалар юзасидан Ўзбекистон ССЖ ҳукумати қабул қилган қарорлар тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилингунга қадар амал қилиб туради.

4. «Ўзбекистон ССЖда мулкчилик ҳақида»ги Ўзбекистон ССЖ Қонунининг қоидалари у кучга киритилганидан кейин вужудга келган ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланилади.

5. «Ўзбекистон ССЖда мулкчилик ҳақида»ги Ўзбекистон ССЖ Қонунининг давлат мулкига, Ўзбекистон ССЖ мулкига ва Қорақалпоғистон МССЖ мулкига, жумҳуриятлараро мулкка, маъмурий-ҳудудий тузилмалар мулкига (коммунал мулкка) тааллуқли бўлган қоидалари мазкур мулкчилик турлари ўртасида мол-мулкни фарқлаб қўйиш масаласи ҳал этилгандан сўнг кучга киради.

6. «Ўзбекистон ССЖда мулкчилик ҳақида»ги Ўзбекистон ССЖ Қонунида суд ва давлат ҳакамлиги тасарруфига ўтказилган ва қонун қабул қилинган кунда кўриб чиқиш тугалланмаган ишлар судлар ва давлат ҳакамлиги идоралари томонидан қимнинг қарамоғига ўтказилганлигига мувофиқ ҳолда кўриб чиқилиши керак.

7. «Ўзбекистон ССЖда мулкчилик ҳақида»ги Ўзбекистон ССЖ Қонунининг 38 ва 39 моддаларида кўзда тутилган эгалик ҳуқуқини муҳофаза қилиш ҳақидаги қоидалар Қонун кучга киритилишидан олдин вужудга келган ҳуқуқий муносабатларга ҳам тааллуқли бўлади.

Қонуннинг 40-моддасида кўзда тутилган, мулкчилик ҳуқуқини тўхтатиб қўядиган қонун ҳужжати қабул қилиниши билан мулкдорга етказилган зарарларни қоплаш ҳуқуқи Қонун кучга киритилгандан кейин қабул қилинган ҳужжатларга нисбатан қўлланади.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Раиси

М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1990 йил 31 октябрь.

Диққат: яхши тажриба

КЕНГАШЛИ ТЎЙ ТАРҚАМАС

— Очиғини айтсам, қишлоқларимиз жамолига кам эътибор бермоқдамиз, — дейди пайариқлик меҳнат ветерани Маман ака Сайданов. — Жаннатмакон боғроғлар, кўчалар, гўшалар бўларди. Оқшом чоғи барча йўлларига сув сепилган, ҳовлилари супириб-сидирилган қишлоққа ҳавасинг келарди. Бу хуторни йўқотаман деб, кўплаб истиқоматгоҳлар эътибордан четда қолиб кетди. Хўжаликнинг чекка жойларида қурилиш бўлмади ҳисоб. Энди замонавий яшаш керак, дейсиз-у, аммо қишлоқни қўшқаватли иморатларга зўрлаб тиқиб бўлмайди, ука.

Маман аканинг куйинганича бор. Икки йиллик даромаддан битта шийпон қура олмаган хўжаликлар ҳам йўқ эмас. Қурилиш ташкилотларининг бурни осмонда. Катта миқдорда пул топиб бермасангиз шартнома ҳам тузилмайди. Аммо ишни бу аҳволда ташлаб қўйиш ҳам мумкин эмас. Давлат томонидан ажратилаётган маблағ жуда кам. Бундай пайтда қандай йўл тутиш керак?

Вилоят партия қўмитаси ва ижрокоми қошида ташкил этилган махсус комиссия ижтимоий аҳамиятга молик бинолар қурилишини тезлаштириш, ҳажмини кўпайтириш ва бунда ҳашар усулидан кенг фойдаланиш зарур, деган хулосага келди.

— Биз қишлоқларда оддий кишилар билан суҳбатлашдик. Уларнинг кўнглидаги гапларни билиб олдик, — дейди вилоят партия қўмитаси биринчи котиби, вилоят кенгашининг раиси П. М. Абдураҳмонов. — Маълум бўлишича, қишлоқларда оддий сартарошхона, гўшт дўкони, маиший хизмат уйи қуриш ҳам катта муаммо экан. Лойиҳа тузиш, қурилиш материаллари топишдаги маҳкамачилик бу ишга тўсқинлик қилиб турган. Қариялар, мутахассислар халқимизнинг эски удуми — ҳашарни қўллаш зарурлигини айтишди.

Умуман бошланиши чакки бўлмади. Вилоят партия қўмитаси ва ижрокоми ташаббусни ўз қўлига олди. Кенгашли тўй тарқамас, деганларидек, ҳар бир иш пухта ўрганилди, режалаштирилди. Ижтимоий масалалар билан шуғулланувчи комиссия аъзолари аввал муайян райондаги аҳволни ўрганишди. Аҳоли эҳтиёжи ҳисобга олиниб қаерда, нималар қуриш кераклиги белгиланди. Хомчўт тайёр бўлгач, ўша районга вилоят ташкилотларининг мутасаддилари раҳбарлари таклиф қилинди. Кимдан нима зарурлиги юзма-юз келишиб олинди. Одамларда кўтаринкилик, шу эзгу ишга ҳисса қўшиш иштиёқи пайдо бўлди.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШЛАРИ ИЧКИ ИМКОНИЯТЛАР ҲИСОБИГА АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Иш лойиҳаларни тайёрлашдан бошланди. Бундай пайтда вилоятдаги барча лойиҳалаш идоралари чинакам жонқуярлик кўрсатишди. Улар ғишт ва пахсадан арзон йўл билан қуриш мумкин бўлган боғча, мактаб, шифохона, шийпон бинолари лойиҳаларини тайёрладилар. Биноларнинг умумий қиймати 100 минг сўм атрофида. Энг муҳими, уларни тиклаш учун мураккаб техника воситалари, қимматбаҳо қурилиш материаллари шарт эмас. Шу боисдан бундай объектларни хўжаликларнинг ўзи бемалол қуришаверишади. Уй-жой қуриш эса 7 минг сўмдан ошмайди.

Иштихонда бу ташаббусни ўзига хос равишда ривожлантиришди. Бу ерда ҳар битта хўжаликда 2—3 тадан қурувчилар бригадалари тузилди. Бундан ташқари жамоатчилик, маҳалла-кўй ёрдамга чиқди. Қишлоқларда қисқа фурсатда тикланган шинам уй-жойларни кўриб ҳавасингиз келади. Умуман, районда ўтган йилнинг кузидан бери 24 та чойхона, 2 та болалар боғчаси, шунингдек, тиббиёт муассасалари, савдо шохобчалари, 1000 тонна мева сақланадиган омбор фойдаланишга топширилди. Бу эса қишлоқдаги қатор долзарб муаммоларни ҳал этишга имкон яратди.

Дарвоқе, райондаги Фрунзе номли жамоа хўжалиги фаоллари хўжалик идорасини «8 Март» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси филиали учун бўшатиб бердилар. Натижада атрофдаги қишлоқларнинг 350 нафар яшовчиси ишлик бўлди. Ҳозир филиални янада кенгайтириш чоралари кўрилаётир.

Шуниси диққатга сазоворки, маълум даражадаги объектлар тайёр бўлгач, вилоят комиссияси у ёки бу районда кўргазмали семинар ўтказади. Ишнинг бундай ташкил қилиниши ўзаро тажриба алмашишда қўл келмоқда. Мактаб, мактабгача тарбия муассасалари жорий ремонтлари йўл-йўлакай бажарилмоқда. Ҳашар йўли билан қурилаётган 55 та мактабнинг кўпи сентябрда ишга тушди. Бундан ташқари авария ҳолатидаги мактаблардан 23 таси сифатли созланди.

— Ҳозир қурилиш учун уста излаб юришнинг ҳожати йўқ, — дейди Пайариқ районидаги «Партия XXII съезди» жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси, вилоят партия қўмитасининг аъзоси Э. Аҳмедов. — Хуллас, қисқа вақт ичида 6 та қариялар чойхонаси, мактабларга 15 та қўшимча синф хонаси, 4 та дала шийпони қуриб битказдик. Шу йилнинг охирига қадар 320 ўринли мактаб биносини ҳам фойдаланишга топширамиз. Ҳар битта қишлоқнинг ўз мактаби, боқчаси, ҳаммоми, сартарошхонаси бўлгани маъқул.

Ҳа, вилоятда қишлоқ қурилиши кун сайин қизғин тус олянти. Бироқ бу ишда муаммолар ҳам йўқ эмас. Айниқса, қурилишнинг азалий иллати — материалларнинг етишмаслиги бу ишни кенг қулоч ёйдиришга ҳалақит берянти. Шу боисдан ариқ ва канал ёқаларида тол ҳамда терак ўтказишга эътибор қилиняпти. Ҳар районда биттадан ғишт заводи қурилди. Ҳозир ана шу корхоналарни икки сменада ишлатиш чоралари кўрилмоқда.

Хуллас, қишлоқдаги ижтимоий қурилишлар одамларнинг кайфиятига, турмушига ижобий таъсир кўрсатмоқда, уларда қайта қуришнинг тақдирига қатъий ишонч уйғотмоқда.

Ф. ТОШЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мух. бири.

Байналмилал дўстлик ришталари

Бундан бир йил аввал Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташаббуси билан жумҳуриятимизнинг Термиз шаҳрида қўшни афғон халқига ижтимоий-иқтисодий томондан ёрдам берувчи мамлакатларнинг мувофиқлаштирувчи маркази тузилган эди. Эндиликда марказ ўз олдига қўйилган вазифаларни шараф билан уддалаяпти.

Ҳозир унинг ишида ССЖИ, Япония, АҚШ, Франция, Туркия, Ҳиндистон, Болгария, Миср ва бошқа кўплаб мамлакатлар қатнашмоқда. Улар афғон халқини доридармонлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари ва айрим соҳалар бўйича керакли мутахассислар билан таъминлашяпти.

Шимолий Афғонистон вилоятларида яшовчи аҳоли учун жўнатилаётган юкларни Ўрта Осиё темир йўлчилари, Термиз дарё порти ходимлари ва «Совтрансавто» ҳайдовчилари ташиб беришяпти. Улар юкларни узлуксиз етказиб беришга муваффақ бўлишмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. «Совтрансавто»нинг тажрибали ҳайдовчиси Оллоберди Худоёровни кўриб турибсиз. У ўз автомашинасида буғдой ташияпти. 2. Афғон халқи учун озиқ-овқат маҳсулотлари юкланаётган пайт.

И. ХУЖАЕВ (ЎзТАГ) олган суратлар.

ССЖИ ДАВЛАТ НАРХЛАР ҚЎМИТАСИДА

Баъзи иттифоқдош жумҳуриятлар Олий Кенгашлари (РСФСЖ, Қозоғистон ССЖ) кундалик зарур бўлмаган молларнинг айрим турларига шартномавий эркин нархлар жорий этиш тўғрисидаги ССЖИ Вазирлар Кенгаши қарори амал қилишини вақтинча тўхтатиш хусусида қарорлар қабул этганлиги муносабати билан ССЖИ Давлат нархлар қўмитаси қуйидагиларни маълум қилади:

Бир қанча кундалик зарур бўлмаган молларга шартномавий эркин нархлар жорий этиш тўғрисида ССЖИ Вазирлар Кенгаши қабул қилган қарор амалдаги қонунларга мувофиқдир.

ССЖИ Вазирлар Кенгаши тўғрисидаги Қонунга мувофиқ, Иттифоқ ҳукумати нарх сиёсати ўтказилишини таъминлайди ва нарх системасини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилайди. Унга халқ истеъмоли моллари чакана нархлари даражасини ўзгартириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи берилган.

Бундан ташқари мазкур қарор ССЖИ Олий Кенгаши шу йил октябрь ойида қабул қилган халқ хўжалигини барқарорлаштириш ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий йўналишлари бир қисми ҳисобланади. У мазкур дастурнинг бир қанча бўлимларига асосланади, «500 кун» дастурига тўғри келади.

ССЖИ Вазирлар Кенгашининг қарори амал қилишини баъзи иттифоқдош жумҳуриятлар вақтинча тўхтатиб қўйишлари аслида боши берк кўчага олиб кирадиган қарор ҳисобланади. Ишлаб чиқаришнинг объектив иқтисодий шарт-шароити ҳамда бозорнинг аҳволи нарх белгилашни такомиллаштириш юзасидан шошилинч тадбирлар кўришни талаб қилади. Зебзийнат буюмлари ва бошқа кундалик зарур бўлмаган моллар нархининг шартноматалартибига ўтказилиши ва уларнинг оширилиши муқаррардир. ССЖИ ҳукумати қарори амал қилишини вақтинча тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги қарорлар ҳуқуқий нуқтаи назардан қараганда, аслида мамлакатимиздаги қонунни бузишларнинг давоми ҳисобланади. Ў шу йилнинг ноябрида ССЖИ Олий Кенгашининг кейинги мажлисларида қаттиқ қораланган эди.

Яқинда Марказий телевидение ўзининг биринчи программаси орқали РСФСЖ Олий Кенгаши депутатларининг сўзларини эшиттирди. Улар ССЖИ Вазирлар Кенгашининг қарорини тўхтатиб қўйишга доир ўз мавқеларини асослаб бердилар. Депутатлар, жумладан, мазкур қарор билан олдиндан таништирилмаганликлар и г а ва ҳукуматнинг, гўёки чакана нархларни тубдан ислоҳ қилиш соҳасида дастури йўқлигига эътиборни қаратдилар.

Биринчи масала юзасидан шуни айтиш керак: ССЖИ Вазирлар Кенгаши бундай масалаларни иттифоқдош жумҳуриятлар Олий Кенгашларининг ҳар бир депутати билан келишиб олиши мумкинлигини ҳатто тасаввур этиб бўлмайди. Бундан ташқари нима учун РСФСЖ Олий Кенгашининг депутатлари ҳамма нарса худди улар билан келишиб олиниши керак, деб ҳисоблашлари хусусида савол пайдо бўлади. Унда бошқа иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятларнинг депутатлари билан қандай иш тутиш керак? Агар қарор қабул қилинишини шу тариқа тасаввур этадиган бўлсак, унда бирорта қарорни мамлакатимиз иқтисодиётидаги, ишларнинг аҳволи талаб этаётганидек ўз вақтида, зудлик билан қабул қилиш мумкин бўлмаса керак. Мазкур қарор лойиҳаси барча иттифоқдош жумҳуриятларнинг ҳукуматлари билан келишиб олинганди.

Чакана нархларни ислоҳ қилиш дастурининг йўқлиги тўғрисидаги масалага келганда, ушбу дастур бутун халққа маълум. У икки йилдан кўпроқ вақтдан бери кенг муҳокама қилинмоқда. Ҳукумат шу йилнинг ўзидагина икки марта — май ва сентябрь ойларида ССЖИ Олий Кенгашининг сессияларида шу ҳақда маълум қилган эди. Маълумки, мазкур дастур озиқ-овқат маҳсулотлари ва асосий ашёвий моллар нархи оширилиши муносабати билан аҳолига етказиладиган зарарнинг ўрнини қоплашга доир аниқ-равшан омилларни ўз ичига олган.

Ана шу аниқ тадбирга қарши баъзи кишиларнинг гўёки шартномавий нархлар тўғрисида қабул қилинган қарор мафиячилар билан чайқовчиларга қўл келади деб ўйламасдан айтаётган гаплари кўпини ажаблантиради. Аслида эса ҳаммаси бунинг аксидир. Хусусан паст нархлар ва истеъмолчилар эҳтиёжининг юксаклиги чайқовчилик учун шарт-шароит яратиши ҳаммага маълум. На фақат совет фуқаролари, айни вақтда хорижий мамлакатларнинг фуқаролари ҳам заргарлик буюмларини, увилдириқ ва бошқа тақчил маҳсулотларни бойлик орттириб қолиш мақсадида кўп сотиб олаётганликлари айниқса ташвиш уйғотади. Кейинги йилда божхонада мамлакатимиздан ғайриқонуний тарзда олиб кетилаётган заргарлик буюмлари ва бошқа қимматбаҳо буюмлар икки марта кўп мусодара қилинди. Совет валютасини олиб кетиш беш марта кўпайганлиги ҳам ташвиш уйғотмоқда. Унга бизнинг моллари арзон нархларда сотиб олиш мумкин бўлур эди. ССЖИ Давлат нархлар қўмитаси баъзи иттифоқдош жумҳуриятларнинг халқ депутатлари бундан кейин ҳам шундай нархларни сақлаб туриш керак ёки керак эмаслиги хусусида пухта ўйлашлари ва ақл-ҳушни жойига қўйиб, чамалаб кўришлари керак деб ҳисоблайди. Жиноятчи гуруҳларга йўл очиб, қимматбаҳо буюмларни хорижий мамлакатларга ташиб кетишга кўмаклашаётган бундай нархларни бундан бўён ҳам сақлаб туриш керакмикан?

ОШКОРАЛИК ҚЎМИТАСИНИНГ МАЖЛИСИ

22 ноябрь куни Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши Ошкоралик қўмитасининг навбатдаги мажлиси ўтказилди. Мажлисда Ўзбекистон ССЖнинг «Оммавий ахборот воситалари ҳақида»ги Қонуни лойиҳаси муҳокама қилинди.

Мажлис иштирокчилари ушбу Қонун лойиҳаси юзасидан тўпланган барча фикр-мулоҳазаларни кўриб чиқдилар ҳамда лойиҳани янада ҳар томонлама пишиқтириш лозимлигини таъкидладилар. Мазкур масала юзасидан тузилган ишчи комиссияси зиммасига Қонун лойиҳасини узил-кесил ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Ошкоралик қўмитаси ҳузурида жамоат кенгашини ташкил этишга қарор қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Раиси М. Иброҳимов қатнашди.

(ЎзТАГ).

ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

АНДИЖОН, 22 ноябрь (ЎзТАГ). Бугун халқ депутатлари Андижон вилоят кенгашининг сессияси бўлди. Жумҳуриятнинг халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг асосий йўналишларини рўёбга чиқариш ва бозор иқтисодиётига кириш қоидаларига доир Ҳаракат дастури муҳокама қилинди.

Вилоят ижроия қўмитасининг раиси Б. Т. Болтабоев маъруза қилди.

Депутатлар, шунингдек, вилоятда ижроия ва идора этиш ҳокимият тузилмасини такомиллаштириш, Қўрғонтепа ноҳиясидаги Ильичевск шаҳрини вилоятга бўйсунадиган шаҳарлар қаторига ўтказиш ҳамда корхоналар, муассасалар ва идораларга лойиҳалаш, қурилиш қилиш ва қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун ер ажратиш тўғрисидаги масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Сессияда ССЖИ Президенти М. С. Горбачев 1990 йил 17 ноябрда илгари сурган «Мамлакатдаги ишлар аҳволини сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий барқарорлаштириш дастури тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди.

(ЎзТАГ).

• *Бозор иқтисодиётига ўтиш олдидаги ўйлар*

ЯНГИЧА ЁНДАШУВ ДАВРИ

⊙ Нима учун умуминсоний қадриятлардан узоқлашиб кетдик

⊙ Марксизм-ленинизм таълимотига ижодий ёндаша олмаслик оқибатлари

⊙ Қироатхонлик социализми ҳозирги замон ҳаётига муносиб эмас

⊙ Яхшилик билан ёмонлик, илғорлик билан қолоқлик ўртасида доимий кураш тараққиёт омили

Кейинги беш ярим йил ичида мамлакатимизда ва бутун жаҳонда рўй берган ҳамма воқеа, ҳодиса, жараён ва ўзгаришларни таърифлаш, тушуниш ва тушунтириш жуда ҳам қийин. Жаҳон тарихи бу қадар серқирра, чуқур, кескин ва кенг миқёсли ўзгаришларни кам кўрган. Шу вақтгача биз ардоқлаб келган тузум, мустаҳкамланган чегаралар, ҳар томонлама тарғиб этган назария ва мафкура — буларнинг ҳаммаси қайта қуришнинг жиддий синовидан ўтмоқда. Тарих мафкурамиз ва тузумимиз олдига «сиз жамиятга, оддий кишиларга Карл Маркс ва Фридрих Энгельснинг «Коммунистик партия манифести» босилиб чиққандан кейин ўтган бир юз қирқ икки йил ичида нима қилиб бердингиз?» деган ҳақли ва оғир саволни қўймоқда.

Биз ана шу савол кўзгуси билан социалистик мамлакатлар, шу жумладан ўз мамлакатимиз турмушига назар солсак, қуйидаги манзарага дуч келамиз: етмиш йилдирки мамлакат етишмовчиликлар гирдобидан чиқа олмаяпти, уй-жой масаласи ҳамон кескинлигича турибди, озиқ-овқат ва саноат моллари таъминоти қаноатланарли даражадан узоқда.

Лекин, деган эди В. И. Ленин, янги тузумнинг ғалаба қозониши учун ҳал қилувчи омил ишлаб чиқариш унумдорлигидир. Бу жиҳатдан эса биз инқилобдан кейин ўтган етмиш йил давомида носоциалистик илғор мамлакатлардан жуда ҳам олисдамиз: қишлоқ хўжалик соҳасида меҳнат унумдорлиги илғор мамлакатлардан ўрта ҳисобда ўн-ўн бир баравар, саноатда эса уч-тўрт баравар паст. Олинаётган даромад ҳам шунга яраша, биздаги ишчилар илғор фан-техникага суянган мамлакатларга нисбатан саккиз-ўн баробар кам ойлик оладилар, қишлоқ хўжалигида эса аҳвол бундан ҳам ачинарлидир.

Бу мисоллар ишлаб чиқаришга тегишли. Маънавий соҳада эса янада тушкунроқ манзарани кўриш мумкин: етмиш йил давомида деярли олтмиш миллион киши ғайри-қонуний равишда, зўравонлик йўли билан ўлдирилган. Булар биринчи навбатда жамиятнинг энг фаол кишилари бўлиб уларнинг орасида инқилобдан илгариги даврда партия аъзоси бўлиб, чоризмга қарши курашнинг ҳамма қийноқларидан ўтган, Октябрдан сўнг янги ҳокимиятни мустаҳкамлашда фаол қатнашган фидойи кишилар, халқ хўжалиги мутахассислари, оддий деҳқонлар ва бошқа касб эгалари эди. Партия, давлат хавфсизлиги ва ички ишлар органлари томонидан олиб борилган ичкил «саралаш» натижасида йил сайин ўн ва юз минглаб, миллионлаб мустақил фикр юритиш қобилиятига эга фуқаролар жамият бағридан тортиб олиниб, қамоқ ва сургунларда, бадарғаларда йўқ қилиндилар.

Ватанимиз тарихида бундан қорароқ кунлар ва йиллар бўлмаган эди. Октябрь инқилобидан илгариги вақтда Россия давлати жаҳондаги бошқа давлатлар орасида 5—13 ўринларни эгаллаб келган, эндиликда эса биз жаҳонда эллигинчи ўриндамиз. Шубҳасиз, ўтган даврда мамлакатимиз жуда ҳам ўзгарди. Биз жаҳонда энг кўп пўлат эритадиган, энг кўп кўмир ва нефть қазиб чиқарадиган, энг кўп трактор ишлаб чиқарадиган давлат даражасига кўтарилдик. Айниқса ўтмишда соф мустамлака бўлган Ўрта Осиёда катта ўзгаришлар юз берди. Аммо, ҳақиқатни билиш учун биз ўтмишни ва ҳозирги аҳволни қиёслаш билан чекланиб қолмай, ўз элимизни бошқа давлатлар билан қиёслаб кўришимиз тўғри бўлади. Аммо бу таққослаш бизнинг бошқа илғор мамлакатлардан бутун бир даврга орқада қолганлигимиздан гувоҳлик беради.

Хўш, биз бу хилда орқада қолаётганлигимизни билармидик? Ҳа, лекин социалистик системадан ташқаридаги ҳар бир давлатни ўзимизнинг рақибимиз, душманимиз ва бизга чет, ёт нарса деб, уни инкор қилардик. Мафкура бизнинг кўзимизни хиралаштирган, бошимизни айлантириб қўйган эди. Биз кўра-била туриб ўзимизни умумжаҳон тараққиётидан узиб қўйдик, умуминсоний қадриятлардан узоқлашдик, замонавий илмий-техника ривожланишидан четга чиқиб қолдик.

Шу ерда нима учун бундай бўлди, деган савол туғилиши табиий. Унга жавоб эса оддий. Биз бир томондан марксизм-ленинизм таълимотига ижодий ёндаша олмадик, уни ўзгармас, ўлик қоидалар тўпламига айлантириб қўйдик. Ўзимизни бу таълимотга садоқатли қилиб кўрсатишга интилиб, унинг эскирган аллақачон ташлаб юборилиши лозим бўлган қонун-қоидалари қўлларига айланиб қолдик. Бошқа мамлакатларда эса ҳаёт ўзгаверди, бизда бўлса ўтган асрнинг иккинчи ярми ва шу асрнинг биринчи чораги учун тўғри бўлган марксизм-ленинизмнинг қоида ва назарий хулосаларини кўр-кўрона, тўтиқушдек, чуқур мулоҳаза қилмай қайтаравердик. Иккинчи томондан эса, капитализм оламига нафрат ва манманлик билан қараб «чириб бораётган, тарих томонидан ўлимга маҳкум этилган тузум» деб, унинг ривожланишига, ижобий ўзгаришга қобилиятли эканини кўрмай ва сезмай туравердик. Ҳолбуки, капиталистлар ҳам яшашни истайди, сира ҳам ўзигаўзи гўр қазишни хоҳламайди. Аксинча, улар марксизм-ленинизмни жиддий равишда ўрганиб шундай мантиқий хулосага келдилар: марксизм-ленинизм таълимоти бўйича ижтимоий инқилоб амалга ошиши учун инқилобий вазият юзага келиши шарт экан. Инқилобий вазият шундайки, эзилганлар эскичасига эзилишини, ҳукмрон синфларга бўйсунишни истамайдилар, ҳукмрон синфлар эса ўз сўзларини эзилган синфларга ўтказолмайдилар. Шундай экан, капиталистлар мана шу инқилобий вазиятнинг юзага келишига йўл очиб бермасликка ҳаракат қилдилар. Бунинг учун эса энг аввало ишчи ва деҳқонларнинг, оддий зиёлиларнинг моддий ва маънавий турмуш шароитини юксак даражага етказиш лозим, токи улар ҳукмрон тузумни ағдариб ташлашни истамасинлар, деган хулосага келдилар. Бунинг учун эса пул, маблағ зарур эди. Ҳукмрон синфлар уни фан ва техника тараққиётига ниҳоятда катта эътибор бериш йўли билан ҳал қила олдилар. Капиталистик дунё қолоқ минтақалардан ўткир ва зеҳнли олимларни, мутахассислар ва ихтирочиларни яхши шароитлар яратиб бериш ҳисобига «сотиб» ола бошлади. Айни шу даврда бизда минглаб мутахассислар, ёзувчилар ва мутафаккирлар «мафкурасизлик»да айбланиб, Ватанларидан ҳайдаб чиқарилди. Сармоядорлар ишчи ва деҳқонларни, зиёлиларни жалб қилишнинг яна бир омилкор йўлидан фойдаландилар, — уларни фирма ва корхоналарда шерикликка тортиб, тушадиган фойдадан ишчи ва хизматчиларга ҳам улуш берадиган бўлдилар. Корхона қанчалик яхши ишлаб, аъло сифатли маҳсулот чиқарса, ишчи шунча кўпроқ даромад оладиган бўлди. Капиталистлар шу сингари минглаб тадбирларни амалга ошириб, меҳнаткаш оммани аста-секин ўз томонига тортиб олди.

Бу туб ўзгаришлар капиталистик мамлакатлардаги коммунистик партиялар таъсир кучини бўшаштириб юборди. Буни қуйидаги мисоллардан ҳам кўриш мумкин. Буюк Британия Компартияси сафидаги деярли тўрт юз минг коммунистдан ҳозир 7,5 минг, АҚШда жаъми ўттиз минг, ГФЖда йигирма минг коммунист қолди. Иш шу даражага етдики, ГФЖ коммунистлари ҳатто кундалик газета чиқаришга ҳам етарли пул тополмаётирлар. Италия коммунистлари аҳволдан чиқиш учун ўз номлари, дастурлари ва иш услубларини ҳам тўла ўзгартишга мажбур бўлмоқдалар.

Демак, қироатхонлик социализми ўзининг ҳозирги замон ҳаётига муносиб эмаслигини кўрсатяпти. У инсоният тараққиёти, жамиятнинг ривожланиши йўлида жиддий ғовга айланиб, социализм мамлакатларининг кўпчилигини боши берк кўчага олиб кириб қўйди. Биз бундай салбий социализмдан қанчалик тез ва шижоат билан воз кечсак, умуминсоний йўлга кўчсак, шунчалик яхши бўлади. Умуминсоний йўл эса бу — биринчи навбатда бозор иқтисодига ўтиш йўлидир. Бу кескин бурилишни кўплар «капитализм томон тойиб кетиш» эмас-ми? Биз қаёққа боряпмиз, ўзи? Бунақада социализмдан нима қолади?!» деган саволни бермоқдалар. Бундай саволларнинг туғилиши табиий, албатта. Зеро идеология олтмиш-етмиш йил давомида ҳар кун, ҳар соат одамларни мулкка, корхонага, ерга, умуман хусусий мулкчиликка душманлик руҳида тарбиялашга хизмат қилди. Энди эса давлатимиз бунинг тескарисини амалга оширишга қаракат қилмоқда. Узоқ даврлар давомида қонқонимизга сингиб кетган тушунчаларни онгимиздан чиқариб ташлаб, улар билан узилкесил видолашиш эса осон эмас.

Шу ўринда социализм назариётчиси В. И. Ленинга мурожаат этиш ўринлидир. Ана шунда ҳозирги ўзгаришлар табиий ва ўринли экани ўз-ўзидан маълум бўлади. В. И. Ленин капитализмни синчиклаб ўрганар экан, социализм капитализмдан ўсиб чиқади, у капитализмнинг энг яхши, энг илғор ютуқларини ўзига қабул қилиб олади, «Ўзининг энг юқори тараққиёт даражасига кўтарилган капитализмнинг камчиликларини олиб ташласак, социализмнинг ўзигина қолади», деган эди. Демак, Ленин таълимоти бўйича капитализм билан социализм ўртасида ўтиб бўлмас чуқурлик ёки ғов-тўғаноқнинг ўзи йўқ. Социализм қуриш учун аввало мавжуд капиталистик жамиятни мумкин қадар ривожлантиришга интилиш лозим, токи ундан социализмга ўтиш осон кечсин.

Хўш, нима учун В. И. Ленин социализм қуриш назарияси устида ўйлаб, энг аввало капитализм жамиятини чуқур ўрганди? Бу шунинг учунки, капитализм жамиятни социализмга келтириб тақаб қўяди. Капитализм даврида ишлаб чиқариш интизоми баланд, маҳсулот сифати ниҳоятда юксак бўлади, ишлаб чиқаришга тегишли муносабатлар кун сайин такомиллашиб боради, ишчи яхши билади. Ишчилар ва деҳқонлар ҳам ўз навбатида яхши, сифатли ва кўп маҳсулот ишлаб чиқаришга интиладилар. Зеро, уларнинг турмуш фаровонлиги, оладиган иш ҳақи миқдори фирманинг ишига, маҳсулотининг сифатига боғлиқ бўлади.

Шундай қилиб, асримиз ўртасидан бошлаб, капиталистик дунёда бутунлай бошқача аҳвол юзага келди. Биз капитализм деганда кўз олдимизга келадиган ўтмишдаги эртадан кечгача болға урадиган, афти башараси қорамой, 12—14 соатлаб ишлайдиганлар, ифлос ва ободонлаштирилмаган қулбаларда яшайдиган ишчилар энди қолмади. Қишлоқ хўжалигида эса юқори техникага ва замонавий фан ютуқларига суянадиган уддабурон деҳқонлар пайдо бўлди.

Хуллас, ҳозирги замон капитализми, Ленин ибораси билан айтганда, социализмга жуда яқинлашди. Биз эса, қироатхонлик социализмининг ҳукмронлиги туфайли, қайтага ҳақиқий социализмдан, Ленин айтган ва Ленин тушунган социализмдан узоқлашиб кетдик. Ана шу сабабли ҳозирги пайтда меҳнаткашларнинг асосий қисмига яхши ҳаёт шароитлари яратиб бера олган капиталистик мамлакатлар бизнинг мамлакатимизга нисбатан социализмга яқинроқ бўлиб чиқдилар. Шундай экан, энг муҳим вазифамиз илғор капиталистик мамлакатларга фан ва техника равнақи жиҳатидан етиб олиш ва шу орқали мамлакатимиз меҳнаткашларининг турмуш даражасини кўтаришдан иборатдир. Бу ниятларимиз билан биз капитализм томон асло оғаётганимиз йўқ, балки Ленин назарияси ва социализм тўғрисидаги таълимотни амалга оширмоқдамиз, холос.

Илғор капиталистик мамлакатларнинг тажрибасини ўрганар эканмиз, бу тажрибалар орасида энг салмоқлиси ва оғири бозор иқтисодиётидир, деган хулосага келиш мумкин. Бозор иқтисодиёти жамият тараққиётининг энг кучли омили, очиқ савдо, бозордаги ўзаро тортишув, кунда ҳамманинг кўзи олдида юз бераётган кимўзди мусобақаси жамиятдаги ҳар бир кишини, ҳар бир корхонани, ҳар бир ер ва мулк эгасини доимий курашга, ташаббусга, янгилик қидиришга мажбур этади. Бозор савдоси шароитида бутун жамият бир нафас ҳам тинмай олға интилади, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулотларнинг янги турлари, навлари, шаклларини топиш устида тинмай иш олиб боради. Кимки ялқов бўлса, бошқаларга ишонса, ҳукуматга, давлатга боқим бўлиш йўлини қидирса, у ўз-ўзидан четга чиқиб қолади. Маълумки, бозор иқтисодиёти талаблари асосида иш олиб бораётган корхона ва хўжаликларда ишлаб чиқариш унумдорлиги дастлабки кунларданоқ уч-тўрт баравар ошиб кетади.

Кишилар капиталистик мамлакатларга борганларида енгиш учун янги, янада унумлироқ ишлайдиган машина, ёрқинроқ бўёқ, чиройлироқ мато, диққатни ўзига тортадиган сифатли ва кўркам буюм топиш мақсадида жамият ичида доимий кураш боради. Худди шундай рақобат жамоат хўжаликлари, якка деҳқонлар, ижарачилар ва бошқа қишлоқ хўжалик ходимлари ўртасида ҳам авж олади.

Жамият қаридаги ана шу доимий кураш жамият тараққиётини таъминловчи асосий кучдир. Бозор иқтисодиёти қанчалик кенг тараққий этган бўлса, жамият ривожланиши шунчалик тез амалга ошади. Ана шу сабабли бозор иқтисодиётига суяниб иш олиб бораётган мамлакатлар жамият тараққиётини таъминлашда улкан ютуқларга эришдилар, социалистик давлатлардан ўзиб кетдилар.

Шу ўринда кишиларда бозор иқтисодиёти шундай яхши нарса экан, К. Маркс, Ф. Энгельс ва В. И. Ленин нима учун ундан воз кечиб, планли социалистик умумий хўжалик юритиш йўлларини маъқул топишган, деган савол туғилиши мумкин. Гап шундаки, улар XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошланишида ҳукмрон бўлган беҳаҳм, шафқатсиз, беандиша ва зўравон капитализмга қарши бўлганлар, у келтираётган тенгсизлик, азоб-уқубат, адолатсизлик, ноинсофликни кўрганлар ва бундай жамиятга, бундай давлатга қарши энг самарали йўл — хусусий мулкчиликни йўқ қилишдан иборат, деб тушунганлар, ана шу фикрни сингдиришга ҳаракат қилганлар.

Жамиятимиз учун катта хато шунда бўлдики, ўша давр, ўша вазият учун тўғри бўлган қоидалар бутун келажагимиз учун доимий қоида ва мангу йўл-йўриққа айлантирилди. Булардан ташқари доҳийларимиз ана шу масалаларда қатор жиддий чекинишларга ҳам йўл қўйдилар, келажак социалистик жамиятни ички зиддиятларсиз, курашларсиз, дўстоналик вазиятида ўз-ўзидан ривожланаверадиган жамият, деб фараз қилдилар, бу жамиятда кишиларнинг онглилиги, ҳамма нарсани онгли равишда бажариши бозор иқтисодиётига ўрин қолдирмайди, деб ўйладилар, жамият ҳаётини бошдан-оёқ планлаштириш мумкин ва лозим, деб тушунтирдилар. Ҳолбуки, амалда бундай бўлиб чиқмади. Жамият минг йиллар давомида ўрганган бозор иқтисодиётини план хўжалиги билан алмаштириш асло мумкин эмас эди. Чунки, диалектика қонунлари ҳамма учун умумий бўлиб, улар социалистик жамиятда ўз кучини йўқотади, деб айтолмаймиз. Демак, бозор иқтисодиётини жорий этиб, биз марксча-ленинча диалектик материализм қонунларини тан олиш билан бирга, етмиш йил давомида янглишиб келганлигимизни эътироф қилмоқдамиз.

Яқинда Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши III сессиясида қабул қилинган «Ўзбекистон халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг асосий йўналишлари ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг қоидалари»да жумҳуриятимиз иқтисодиётини янада яхшилаш йўллари аниқ кўрсатиб берилди. Бу ҳужжат бозор иқтисодиёти томон олға боришда чинакам жиддий қадамдир. Жумҳуриятимиз меҳнаткашлари ушбу қоидаларни зўр қизиқиш билан кутиб олдилар. Чунки унда халқ фаровонлигини кўтариш, унинг манфаатлари ҳақида ғамхўрлик кўрсатишдек олижаноб мақсадлар кўзланган.

Аммо айни пайтда бозор иқтисодиётига ўтиш энг муҳим ва шу билан бирга ниҳоятда мураккаб эканлигини айтиш ҳам жоиз. Бироқ шундай бўлсада олдимизда бозорга ўтишдан бошқа йўл йўқ. Чунки бутун жаҳон тажрибаси бозор иқтисодиётининг ҳаётийлигини ва самарадорлигини исботлайди. Зеро, бозорга ўтиш халқимиз танлаган социалистик йўлга зид ҳам эмас. Шундай экан, ҳаётнинг ўзи бозор иқтисодиётига ўтишни талаб қиляпти. У жамиятимиз учун ягона йўлдир.

Қ. ХОНАЗАРОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор.

Наманган вилояти. Янгиқўрғон районидаги «Заркент» совхози механизаторлари кузги экинлар экишни тезкорлик билан олиб бормоқдалар. Бу йил хўжалик миришкорлари ҳар гектар ердан ўтган йилгидан 8 центнердан кўпроқ дон олишди. Келгуси йилда ҳосилдорликни янада ошириш мўлжалланмоқда. Бироқ бу ютуққа эришишнинг ўзи бўлмайди. Чунки кейинги 10 йил давомида хўжалик ерлари сув билан атиги 46—50 фоизга таъминланмоқда холос. Мана шунинг учун ҳам деҳқонлар ҳосилдорликни ошириш учун янги-янги иш усулларидан фойдаланмоқдалар. Шу мақсадда ҳар гектар ерга узунасига ва кўндалангига 100 килограммдан уруғлик сепилмоқда. Бу уруғлик сарфини кўпайтиради. Лекин бу харажат ҳосилдорликнинг ошиши туфайли қопланади.

Суратларда: 1. Сеялкачи Каримжон Ортиқов билан тракторчи Умаржон Мўйдинов. 2. Дон сепиш қизғин.

А. КОВТУН туширган суратлар (ЎзТАГ).

ТАҲРИРИЯТГА ХАТЛАР

ЁРДАМ СЎРАБ

Саккиз фарзандим бор. Турмуш ўртоғим ноҳия қурилиш ташкилотида кичик инженер бўлиб ишлайди. Маоши 170 сўм. Ундан даромад солиғини ушлаб қолишгач, уйга олиб келадиганлари 140 сўм. Ёш боларим бўлса ҳам икки гектар ер олиб пахта экдик.

Мени сизларга хат ёзишга мажбур қилган нарса қуйидагилар: кам таъминланган кўп болали оналарга бериладиган нафақа миқдорини кўпайтириш тўғрисида жумҳуриятимиз Президенти Фармони чиққач, турмуш ўртоғим ўзи ишлайдиган корхона бухгалтериясига мурожаат қилди. Лекин у ердагилар бизнинг оиламизга ҳеч қандай моддий ёрдам кўрсатишмади. Шунинг учун кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги гаплар шунчаки экан-да, деган хулосага келдик.

Ҳурматли редакция! Биз бу масалада сиздан аниқ жавоб кутамиз.

Хосият ДАВЛЕТОВА, Урганч ноҳияси Калинин номли колхоз 6-бригада.

Ушбу хат билан танишиб чиққан, жумҳурият ижтимоий таъминот вазири ўринбосари Сапура Муродовна Мирзаваҳмедовадан қуйидаги жавобни олдик.

Жумҳурият Президентининг Фармонига асосан шу йил 1 июлдан бошлаб кўп болали оналарга тўланадиган ойлик нафақалар икки баравар кўпайди. Ноҳия ижтимоий таъминот бўлимлари орқали олинадиган бундай нафақалар ҳар ойда берилади. Шунинг учун жумҳуриятимиздаги 700 минг кўп болали 1 ёшдан то 5 ёшгача фарзанди бўлган оналарнинг оладиган нафақалари кўриб чиқилди. Июль, август, сентябрь ойлари учун октябрь ойида, октябрь ва ноябрь ойлари учун эса декабрда ижтимоий ёрдам пули тўланадиган бўлди.

Агар сиз шундай нафақа ҳақида хат ёзган бўлсангиз, бундай нафақани олиш учун турар жойингиз бўйича ноҳия ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилишингиз керак.

Яна шу нарсани ҳам маълум қиламизки, шу йил 1 декабрдан оилаларнинг даромадига қараб ҳар бир оила аъзосига олинадиган даромад 140 сўмдан ошмаса, уларнинг бир ярим ёшдан то 6 ёшгача бўлган болалари учун ҳар бир болага 35 сўмдан нафақа тўланади.

Хатингизнинг мазмунига қараганда турмуш ўртоғингизнинг иш жойидан оладиган нафақани рад этишган. Агар сиз 12 сўмлик нафақани кўзда тутаётган бўлсангиз, бундай нафақалар Президент Фармонига кўра оширилган эмас.

ТАҲРИРИЯТДАН: Ушбу хатни таҳририят Хоразм вилоятининг Урганч ноҳияси ижтимоий таъминот бўлимига ҳавола этади. Уни текшириб, кўрилган чора-тадбир ҳақида таҳририятга ва хат муаллифига хабар қилишларини сўрайди.

Экскаватор заводи томонидаги 4- ва 5-троллейбусларнинг охирги бекати темир йўл билан туташиб кетади. Бу ер кавланиб, ўйдим-чуқур бўлганига бир йил бўляпти. Бунинг устига завод бу ерга ишлаб чиқариш чиқиндиларини ҳам ташлаяпти. Натижада бу ердан транспорт қатнови, йўловчиларнинг юриши ҳам қийинлашяпти. «Ташгоргрузтранс» концернига қарашли 2505-автоколонна ҳам шу атрофга жойлашган. Ушбу корхона раҳбарлари экскаватор заводи маъмурияти ва бош инженерига йўлни тартибга келтириш ҳақида бир неча бор мурожаат қилдилар. Лекин улар шу кунгача пинакларини ҳам бузишгани йўқ. Мана қишли-қировли кунлар бошланди. Бу кўчадан транспорт қатнови янада қийинлашади. Шу масаланинг ҳал бўлишида ёрдам қўлини чўзишингизни сўраймиз.

2505-автоколонна жамоаси ва «Оққўрғон» маҳалла меҳнаткашлари номидан: И. Б. Бадалов, меҳнат кенгаши раиси: Қ. Х. Мирниғматов, Тошкент шаҳар Советининг депутати: А. Нурбоев, А. Аҳмедов, И. Орипов, Ж. Ҳайдаров — ҳайдовчилар.

ТАҲРИРИЯТДАН: Ушбу хатни Куйбишев ноҳия ижрокомига ҳавола этамиз. Кўрилган чора ҳақида муҳарририят ва муаллифларга хабар қилинади, деган умиддамиз.

ТОШКЕНТ ЭНГ ЯХШИ ШАҲАРЛАР ҚАТОРИДА

● Аҳолининг энг кўп даражада кўпайишини ўрганувчи Америка қўмитасининг тадқиқотчилари жаҳондаги энг катта юзта шаҳарда мавжуд бўлган турмуш шароитлари ҳақида маълумот тақдим этдилар. Ташкилот мутахассислари ана шу ноёб ҳужжатни тайёрлашлари учун икки йил керак бўлди, уларни 45 мамлакат олимлари қўллаб-қувватлади.

Совет Иттифоқидаги тўртта шаҳарга умуман ёмон баҳо берилмади:

Киев 22-ўринни (74 балл),
Москва 35-ўринни (64 балл),
Ленинград 40-ўринни (62 балл),
Тошкент 44-ўринни (60 балл) эгаллади. Уларнинг ҳаммаси «Яшаш шароитлари яхши бўлган» шаҳарлар қаторига кирди.

Шаҳарларимиз, масалан, «Ўрта мактабларда ўқийдиган болаларнинг сони», «Электр қуввати ва ичимлик сув билан таъминланган уйларнинг миқдори» сингари кўрсаткичлар бўйича олдинги ўринда эканликлари, айни вақтда Москва, Ленинград ва Тошкент «Бир хонада яшайдиган кишилар сони» бўйича 42-58-ўринларни эгаллаган шаҳарлар қаторида эканлиги маълум бўлди, Киев эса 59-73 ўринни эгаллаган шаҳарлар гуруҳига кирди. Киев ва Тошкент ўз навбатида, кўчаларида шовқин жуда паст бўлган биринчи 20 та шаҳар қаторига кирди.

(ТАСС).

«Совет Ўзбекистони» материаллари изидан

«ЕЧИМИ ТОПИЛМАЁТИР»

Газетамизнинг шу йил 3 август сонида босилган юқоридаги сарлавҳали танқидий мақолада мактабгача тарбия муассасалари қурилиши ўлда-жўлдалиги, болалар боғчаларини қуриш бўйича қабул қилинган қарорлар, тадбирлар қоғозларда қолиб кетаётганлиги танқид қилинган эди.

Муҳарририят ушбу мақола юзасидан НАМАНГАН ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИдан расмий жавоб олди. Қуйида ана шу жавобни эътиборингизга ҳавола этамиз:

Мақола тегишли корхона ва ташкилотлар раҳбарлари иштирокида атрофлича муҳокама қилинди. 1986—1989 йилларда барча манбалар ҳисобига вилоятимизда 21030 ўринли болалар боғчалари қуриб, фойдаланишга топширилди. 1990 йилга белгиланган 5040 ўринли мактабгача тарбия муассасалари қурилиши ҳисобига бу кўрсаткич 26070 ўринни ташкил этиши кутилмоқда. Бу беш йиллик режасига нисбатан 106,4 фоизни ташкил этади.

Наманган шаҳар ижроия қўмитаси шаҳар ўрамида кичкинтойларнинг боғча-ясли билан таъминланиши борасида юзага келган муаммони фақат давлат маблағи ҳисобига бартараф этиб бўлмайди, деб ҳисоблайди. Демак, шаҳарлардаги ҳар бир корхона, ташкилот ўз маблағи ҳисобидан боғчаяслилар қуриши керак. Шуни ҳисобга олиб, ижроия қўмита мактабгача тарбия муассасаларини қуриш бўйича 1989-1991 йилларда амалга оширишга мўлжалланган тадбирларни ишлаб чиқди. Бу тадбирлар шаҳар партия қўмитаси пленумида маъқулланди.

Тадбирларга кўра, белгиланган давр мобайнида 61 та боғча-ясли қуриш мўлжалланган эди. Ҳозиргача шунинг учтаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ўнтаси қурилмоқда. Яна ўнтаси юзасидан лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланяпти.

Мақолада таъкидланганидек, тадбирларни тузиб қўйиб, қараб ўтирилгани йўқ. Уни амалга ошириш учун анчайин иш ва ҳаракатлар бор. Шу билан бир қаторда қурилиш учун ер майдони ажратиш ва пул билан таъминлашда қийинчиликлар бўляпти. Ҳозир 38 та боғча-ясли қурилишига ер майдони ажратиш билан шуғулланиляпти.

ТАҲРИРИЯТДАН: Маълумки, мақолада Наманган шаҳар Совети ижроия комитети мактабгача тарбия муассасаларини ривожлантириш юзасидан тадбирлар ишлаб чиққани айтилиб, орадан анча вақт ўтсада улар қоғозда қолиб кетаётгани танқид қилинган эди, Аммо бу вилоят ижроия қўмитаси раҳбарларига ёқмаган кўринади. Бўлмаса улар «...тадбирни тузиб қўйиб, қараб ўтирилгани йўқ. Уни амалга ошириш учун анча иш ва ҳаракатлар мавжуд», дея шаҳар ижрокомини оқлашга ўтишармиди?!

Уч йилда 61 та боғча-ясли қуриш мўлжалланган бўлса-ю қарийб икки йилда шундан атиги учтаси фойдаланишга топширилса! Бу тадбирлар қоғозда қолгани эмасми? Бизнингча, мутасадди ўртоқлар йўл қўйилган камчиликларни мардона тан олиб, белгиланган режаларни бажариш бўйича амалий ва таъсирчан чоралар кўрсалар ёмон бўлмасди.

«Обуна—91»

МУШТАРИЙЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

● Рўзномамиз ижодий ходимларидан бир гуруҳ ўтган ҳафта давомида жумҳуриятимиз вилоятларида бўлишди.

Фарғона вилояти Қува ноҳияси меҳнаткашлари фаоллари билан ўтказилган дилдан мулоқотларда рўзнома бош муҳаррири Р. Раҳмонов, рўзнома таҳририяти аъзоси шу ноҳиядаги «Коммунизм» жамоат хўжалиги раиси М. Шербўтаев жумҳуриятдаги ижтимоий сиёсий вазият барқарорлиги тўғрисида, Президент ва унинг ҳукумати олиб бораётган халқпарварлик сиёсати ҳақида сўз юритдилар.

Вилоятда «Совет Ўзбекистони» муштарийлари ортаётгани таъкидланди. Рўзномани ютуқ, камчиликлари, ижодий режалари ҳақида рўй-рост мулоҳазалар айтилди.

Ижодий гуруҳ сафар давомида вилоят партия комитети, Фарғона район партия комитети ходимлари билан учрашдилар. Рўзномага обуна тўплаш фаолларига муҳарририятнинг «Фахрий ёрлиғи» топширилди.

А. АБДУБАННОПОВ.

Жумҳуриятимизнинг бошқа вилоятларида бўлгани каби Қашқадарё районлари ва хўжаликларида ҳам Ҳосил байрамлари ўтказилаётир. Ана шундай тантаналардан бири — Ульянов райони меҳнаткашлари тўйларига «Шарқ юлдузи» журнали кунлари уланиб кетди.

Журналнинг бош муҳаррири, Ҳамза номидаги Давлат мукофоти лауреати Ўткир Ҳошимов раҳбарлигида бу ерга ташриф буюрган ижодкорлар аввал Ҳосил байрами иштирокчиларини бу йилги улкан меҳнат муваффақиятлари ва районнинг 20 йиллиги билан табрикладилар. Сўнгра уларнинг муштарийлар билан қизиқарли учрашувлари бўлиб ўтди. Шоирларнинг янги шеърлари давраларга руҳ бағишлади.

«Шарқ юлдузи» кунлари муносабати билан Қарши Давлат педагогика институтида уюштирилган учрашув алоҳида файзли бўлди. Бош муҳаррир Ў. Ҳошимов «Шарқ юлдузи» журнали ижодий жамоаси амалга ошираётган ишлар, муаллифлар ва муштарийлар билан мулоқот, 1991 йилги режалар тўғрисида гапириб берди. Муштарийларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб қайтарди. Учрашувда қатнашган журнал назм бўлимининг мудири И. Отамуродов, шунингдек, ёзувчи ва шоирлардан Л. Кабиров, И. Тўхтамишевларнинг чиқишлари ҳам учрашув иштирокчиларида илиқ таассурот қолдирди.

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

50 ЙИЛЛИК «САҚЛАШ»ДАН СЎНГ

Самарқанд. «Шарқнинг қўлёзмалар мероси» — Ўзбекистон давлат маданият ва санъат тарихи музейида ташкил этилган кўргазма ана шундай аталади. Томошабинлар бу ерда илк маротаба намойиш этилаётган тарихий ва диний, табиат ва фалсафа, жуғрофия ва тиббиёт, қишлоқ хўжалиги ва қонуншуносликка оид китобларнинг нодир нусхаларини катта қизиқиш билан кўрмоқдалар. Зеро, бу маданий бойликлар инсон тафаккурини бойитишга хизмат қилади.

50 йиллик «сақлаш»дан сўнг кўргазмага қўйилган турли хил дарахт пўстлоғидан тайёрланган катта ҳажмдаги «Қуръон» нусхаси ташриф буюрувчилар томонидан алоҳида эътироф этилмоқда. Қуръон Бухоро амири Насруллохоннинг буйруғига биноан мулла Муҳаммад Ҳасан Самарқандий томонидан 1854—1855 йилларда кўчирма қилинган.

Маълумки, 1940 йилларда XIX асрнинг маданий нодир ёдгорликлари музейда жамлана бошланди. Шунингдек, кўргазмада ниқобланган чўнтак «Қуръон»и, тилсимон шаклидаги кичик ҳажмда миниатюра санъати экспонатлари ҳам намойиш этилаётир. Музей кўргазма залида Туркия, Ҳиндистон, Германия ва бошқа хорижий мамлакатларда ипак босма усулида тайёрланган кўплаб ноёб китоблар ҳам томошабинларда қизиқиш уйғотмоқда. Экспонатлар 500 йиллик тарихга эга. Музей ходимлари нодир қўлёзма ва китобларни тўплаш, томошабинлар ҳукмига ҳавола этишда кўп йиллик сермашаққат меҳнат сарфладилар.

Зотан, халққа зиё бахш этувчи инсон дунёқарашини бойитувчи бундай китобларни келгуси авлодларга етказиш учун уларни нафақат сақлаш, балки маданий меросни ҳурматлаш ва севиш керак. Неча йиллар давомида диний китоблар инсон онгини оғу мисоли заҳарлайди, деб тарғиб қилинди. Диний китоблар, тарихий китоблар инсон онгини, тафаккурини кенгайтиради. Ҳар қандай халқ ўз ўтмишини, маданий меросини билмай туриб, келажагини, нурли истиқболини ярата олмайди. Шу ўринда томошабинларда катта қизиқиш уйғотаётган Шарқ халқларининг, Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг бой маданий меросини ўзида мужассамлаштирган бу кўргазма экспонатлари ёш авлод қалбида ўтмишга қизиқиш ва уни ўрганиш ҳис-туйғуларини уйғотади.

Суратларда: (чапдан) 1. Музейнинг Шарқ қўлёзмалари секторининг мудири Ҳамза Турсунов кўргазма марказидан жой олган қадимий китобни намойиш этаётир. 2. Кўргазма залида.

Р. ҒОФУРОВ суратлари (ЎзТАГ).



СПОРТ

● ДЗЮДО

КУМУШ НИШОН МУБОРАК

● Туркия пойтахти Анқара шаҳрида Европа қитъаси биринчилиги учун ўсмирлар ва қизлар ўртасида мусобақалар бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз ёшлари бу қўрикда муваффақиятли иштирок этишди. 71 килограммгача вазндаги беллашувларда Владикавказ шаҳри спортчиси А. Ларюков биринчи бўлди ва олтин медаль билан тақдирланди. Таллин шаҳрилик И. Пертеньсон 95 килограммгача вазндаги кураш усталари учрашувларида ғолиб келди.

Н. Ожогин (Қўрғон шаҳри), Р. Мазаев (Грозний) Т. Саакашвили (Тбилиси)лар биринчиликнинг кумуш медалларини олишди.

Тошкентлик Елена Новгородцева ҳам шундай мукофотга сазовор бўлди. Тошкентлик дзюдочи 56 килограмм вазндаги учрашувларда маҳорат кўрсатди. Ҳал қилувчи бахсда эса имкониятни бой берди. Жумҳуриятимиз вакиласининг кумуш медали командамиз ғалабасига муҳим ҳисса бўлди.

● ФУТБОЛ

ХАЛҚАРО БЕЛЛАШУВЛАР

● СССР терма командаси аъзолари янги йил арафасидаги халқаро учрашувларни бошлаб юборишди.

Улар Порт-офспейн (Тринидад ва Тобаго) шаҳрида Америка Қўшма Штатлари командаси билан учрашишди. Ўйинда дарвозалар дахлсиз қолди.

Харьковнинг «Металлист» футболчилари эса Марокош бўйлаб сафарда. Улар Касабланка шаҳрида маҳаллий «ТАС» жамоаси билан учрашишди. Ўйин 2:1 ҳисобида мезбонлар фойдасига тугади.

● ШАХМАТ

БЕШ ТУРДАН СЎНГ

● Югославиянинг Нови-Сад шаҳрига 64 катакли ўйин мухлисларининг эътибори қаратилган. Бу ерда жаҳон шахмат олимпиадаси ўтказилмоқда.

СССР хотин-қизлар командаси аъзолари беш турдан сўнг 12,5 очко тўплаб, пешқадам бўлиб туришибди. Улар навбатдаги босқичда болгарияликларни 2,5:0,5 ҳисобида ютишди.

Йигитларимиз эса ҳозирча 14,5 очко тўплашган. Улар жадвалнинг учинчи-тўртинчи поғонасида боришмоқда.

● СУВ ПОЛОСИ

САККИЗ БАҲСДА МАҒЛУБИЯТ

● Биринчи лига жамоалари ўртасида мамлакатимиз биринчилиги мусобақасида саккиз тур ўйинлари ўтказилди.

Тошкентнинг «Меҳнат» спортчилари Минск шаҳридаги гуруҳда иштирок этишяпти. Ҳозирча командамизнинг омади келмаяпти. Ўтказилган саккиз учрашувда биронта ҳам очко олинмади. Меҳнатчилар рақиблар дарвозасига 88 тўп киритиб, ўз дарвозаларидан 149 та тўп ўтказиб юборишган. Бор маҳорат ва имкониятни ишга солиб очколар олиш учун дадил ҳаракат қилиш пайти келди.

«Совет Ўзбекистони»нинг навбатдаги сони 25 ноябрда чиқади.

ОБРЎСИ ЗИЁДА БЎЛАДИ

Ёшим 27 да. Анча йиллардан буён «Совет Ўзбекистони» ўқувчисиман. Бу йил ҳам биринчилар қаторида севимли рўзномага обуна бўлдим. Кейинги пайтда газетада жонланиш сезилаётгани рост. «Мерос», «Нуқтаи назар» рукунлари остида бериб борилаётган мақолалар диққатимни тортяпти.

Лекин рўзномада ёшлар ҳаёти деярлик ёритилмаяпти. Бунга, менимча, ёшлар газеталари бор, ўшалар ёритади қабилида қараб келиняпти. Тўғриси, бундай қарашлардан воз кечиш пайти келди. Негаки, жумҳуриятимиз аҳолисининг кўпчилик қисмини бугунги кунга келиб ёшлар ташкил этади.

Шундай экан, келаси йилдан бошлаб ёшлар муаммолари ҳақида турли хил мақолалар бериб борилса, айни муддао бўлар эди.

О. СОДИҚОВ,
Ингичка шахта-қурилиш бошқармаси ишчиси.

ЎЗИБЎЛАРЧИЛИК ОҚИБАТИ

«Фарғона» давлат хўжалиги Қамаши районида иқтисодий жиҳатдан бақувват хўжалик. Биргина шу йилнинг ўзида пахтачиликдан 4,5 миллион сўм соф фойда олиш мўлжалланмоқда. Аммо хўжаликда аҳолини жумҳуриятдаги ҳамда маҳаллий рўзнома ва ойномаларга обуна қилиш ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги ташвишли ҳол. Масалан, бу ерда «Совет Ўзбекистони» рўзномасига бир неча ўн кишига обуна қилинган, холос.

Обуна ишлари райондаги бошқа хўжаликларда ҳам суст боряпти.

Бундай қолоқлик сабабларини суриштирганимизда «Фарғона» давлат хўжалигида газетхоналардан Т. Бердиёров, Ш. Суюнов, Р. Тиловов ва бошқа муштарийлар газета ва журналлар ўз вақтида етказиб берилмаётганини айтишди. Чиндан ҳам бу гапда жон бор. Биргина шу хўжаликдаги ўнта қишлоқда 9 минг аҳолига атиги икки почтальон хизмат қиляпти. Улар вақтли нашрларни эгаларига етказишга жисмонан улгуролмаяптилар. Натижада таҳлам-таҳлам рўзнома ва жаридаларни давлат хўжалиги идораси, мактаблар, дала шийпонига ташлаб кетишади. Нашрларни обуначиларга етказишдаги бундай жиддий камчиликлар Қашқадарё вилоятининг бошқа районларида ҳам юз бермоқда. Бу эса айни пайтда обунанинг боришига тўсқинлик қиляпти. Қарши шаҳридаги маҳаллаларда, Ульянов, Косон, Қарши райони жамоа ва давлат хўжаликларида ҳам обуначилар ўзлари ёзилган газета ва журналларни ололмаётганликлари тўғрисида биз билан учрашувларда эътирозлар билдиришди. Умуман, вилоят шаҳар ва қишлоқларида рўзномалар обунасини уюштиришда алоқачилар кучидан етарли фойдаланилмаяпти. Мавжуд 800 нафар почтальондан ярмига яқинигина обуна билан шуғулланяпти, холос. Уларнинг ҳам ишида унум йўқ. Меҳнат жамоаларида, аҳоли турар жойларида обунани ташкил қилиш қониқарсиз аҳволда.

Вилоят партия комитети бу йилги обуна мавсуми мураккаб шароитларда ўтиши ҳақида бир неча бор эслатганлигига қарамай, кўпгина район ва шаҳар партия комитетлари обунанинг боришига зарур даражада раҳбарлик қилолмаяптилар. Баъзи партия комитетлари раҳбарлари амалий иш ўрнига ҳамон кенгашлар ўтказиш, тадбирлар белгилаш билан овора.

Шуни айтиш керакки, Қашқадарё вилоятининг бир қатор шаҳар ва районларида, корхона ва ташкилотларида рўзномаларга обунанинг бориши мутлақо талабга жавоб бермайди. Масалан, Қарши шаҳри корхоналари ташкилот ва муассаларида вақтли матбуотга обуна қабул қилиш энди 12,6, Косон районида 8,5, Деҳқонобод районида 0,6, Шаҳрисабз районида 1 фоизга етди, холос. Бошланғич партия ташкилотлари бу ишда ғоят сусткашлик кўрсатишяпти. Улар аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бормаётирлар, жойларда жамоатчи матбуот тарқатувчилар иши назорат қилиб турилмаяпти. Бу эса ўз навбатида рўзнома ва жаридаларга обунанинг суст боришига сабаб бўлмоқда.

Вақт кутиб турмайди. Ҳадемай обуна кампанияси ҳам якунланади. Шунга кўра шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари муштарийлар сафини кенгайтиришнинг барча зарур чораларини зудлик билан кўрмоқлари лозим.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ОЛОВКОРЛАР УЧУН

«Газлитрансгаздобича» ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат жамоасининг кучғайрати билан Сазакино сув қувурига қўшимча узатгич ўтказилди. Натижада оловкорлар шаҳрига қувурлар орқали оқиб келаётган ичимлик сувининг миқдори анча кўпайди.

Н. НАИМОВ.

Маъсуда Муҳаммаджоновна СУЛТОНОВА

Ўзбек совет фани оғир жудоликка учради. Ажойиб инсон, дўст ва меҳрибон устоз Маъсуда Муҳаммаджоновна Султонова узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг вафот этди.

М. М. Султонова 1922 йил 7 декабрда Тошкент шаҳрида деҳқон оиласида туғилди. М. Султонованинг бутун ҳаёти ва фаолияти Тошкент Давлат доривфунуни билан боғлиқ. Физика-математика факультетининг студенти, аспиранти ва кейинчалик эса ассистенти ва доценти лавозимларида ишлаб келди.

1947 йилда физика-математика факультетининг эҳтимоллар назарияси ва математик статистика кафедрасига ассистент қилиб ишга қабул қилинди. 1951 йилда доцентлик унвонини олди.

М. Султонова ўзбек аёлларидан биринчи бўлиб, физика-математика фанлари номзоди даражасини олди. Унинг қаламига 4 ўқув қўлланмаси ва ўнлаб илмий мақолалар мансуб.

Маъсуда Султонова 1948—1954 йилларда СССР Олий Совети депутати ва 1954—1958 йилларда Миллатлар Совети Раисининг муовини бўлди.

Маъсуда Султонова 1954 йилдан 1962 йилгача физика-математика факультети декани, кейинги йилларда эса факультет Советининг илмий котиби, факультет бошланғич партия ташкилотининг котиби лавозимларида ишлади.

Маъсуда Султонованинг самарали хизматлари муносиб тақдирланди. У Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Улуғ Ватан уруши давридаги шавкатли меҳнати учун» (1941—1945), «Меҳнат аълочиси», «Ленин туғилган кунига 100 йил тўлиши муносабати билан шавкатли меҳнати учун», «Меҳнат ветерани» нишонлари билан мукофотланди.

Маъсуда Султонова меҳрибон дўст, талабчан устоз сифатида ҳурмат қозонган эди.

Маъсуда Султонованинг порлоқ хотираси қалбларимизда абадий яшайди.

Бир гуруҳ ўртоқлари.

ЧЕКИСТЛАР ҲУЗУРИДА

Ўзбекистон ССЖ Давлат хавфсизлиги қўмитасининг Наманган вилояти бошқармаси жамоасининг халқ депутатлари, партия ва меҳнат ветеранлари, Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари, фан, маданият намоёндалари билан учрашувлари анъанага айланиб бормоқда. Наманганлик чекистларнинг бу сафарги меҳмони ССЖИ Олий Кенгашининг Мудофаа ва давлат хавфсизлиги масалалари бўйича қўмитасининг аъзоси М. Э. Зокиров бўлди.

ССЖИ халқ депутати ССЖИ Олий Кенгашининг Мудофаа ва давлат хавфсизлиги масалалари бўйича қўмита фаолиятидаги шахсий иштироки ҳақида батафсил сўзлади. Давлат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ қатор масалалар юзасидан мулоҳазалар билдирди, ССЖИ Олий Кенгашининг навбатдаги сессияси муҳокамасига киритилган ДҲҚ тўғрисидаги Қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикрини баён қилди. Ў янги шароитларда ДҲҚнинг Наманган вилояти бошқармаси олдида турган муаммоларга тўхталди.

Учрашувда сўзга чиққан бошқарма ходимлари Б. Шаҳбозов, Ш. Эгамбердиев, С. Нурматов, Ш. Раимов, Т. Мансуровлар жамоанинг вилоят ҳудудидаги ўта хавфли жиноятларнинг олдини олиш ва тугатиш, вилоят ички ишлар органлари билан ҳамкорликда уюшган жиноятчиликка қарши олиб бораётган курашлари ҳақида сўзладилар. Кейинги ойларда наманганлик чекистлар вилоят ички ишлар бошқармаси билан ҳамкорликда 14 ҳорижий кишиларнинг душманлик фаолиятига барҳам берди. Калашников автомати, унга тегишли олтита ўқдон ва патронлар, 80 дан ортиқ ўқ отувчи қурол, 20 килограмм атрофида наркотик моддалар тортиб олинди. Контрабанда йўли билан олиб чиқиб кетилаётган 197 та тилла танга, бошқа қимматбаҳо буюмлар, бир миллион сўмдан ортиқ пул давлатга қайтарилди. Саноат ва транспорт корхоналарида қатор фавқулодда ҳодисаларнинг олди олинди.

Оммавий қатағон қурбонларининг муборак номини тиклаш бошқарма фаолиятининг доимий диққат марказида. Бу ишнинг натижаси жамоатчиликка мунтазам етказилмоқда. Бугунгача 500 дан ортиқ киши тўла оқланди.

Учрашувда бошқарма ходимларининг уюшган жиноятчиликка қарши кураш ҳамда жамоатчилик билан алоқани мустаҳкамлаш йўлидаги фаолияти ҳақида мулоҳазалар билдирилди.

Ўзбекистон ССЖ Давлат хавфсизлиги қўмитасининг жамоатчилик билан алоқа маркази.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ВАЗИРЛАРИ ХОНАСИ ҲУЗУРИДАГИ

Енгил саноат ҳом ашёси ва маҳсулотлари билан таъминлаш ва сотиш Бош бошқармаси

1990 ЙИЛ 28 НОЯБРДАН 7 ДЕКАБРГАЧА

«Ўзбекбирлашув»нинг Тошкент шаҳридаги Матлуботчилар уйида 1991 йилда Ўзбекистон ССЖ пахта маҳсулотларининг улгуржи савдоси бўйича

ЖУМҲУРИЯТЛАРАРО ЯРМАРКАСИНИ

УТКАЗАДИ

Ярмарка 28 ноябрь соат 10.00 да қуйидаги манзилгоҳда: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 45-уй. «Ўзбекбирлашув»нинг Матлуботчилар уйи (51-автобус билан «Ўзбекистон» метро станцияси» бекатигача борилади).

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 54-37-98, 54-37-81, 56-09-49.

ВАЗИРЛИК, МАҲКАМА, КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, МУАССАСА ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА! ТОШКЕНТ ОЛИЙ

ПАРТИЯ МАКТАБИ ТУГАТИЛДИ

Даъволар 1990 йил 20 декабргача қабул қилинади.

Қароргоҳимиз: 700137, Тошкент шаҳри, Луначарский кўчаси, 54-уй.

Ўзбекистон ССЖ Соғлиқни сақлаш вазирлигининг

Н. А. СЕМАШКО НОМИДАГИ ТИББИЙ ҚАЙТА ТИКЛАНИШ ВА ФИЗИК УСУЛЛАР БИЛАН ДАВОЛАШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

курортология ва физик усуллар билан даволаш ихтисоси бўйича СИРТҚИ АСПИРАНТУРАГА ТАНЛОВ АСОСИДА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ТАНЛОВ МУДДАТИ — 22 ДЕКАБРГАЧА.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 700084, Тошкент шаҳри, Хуршид кўчаси, 4-уй. Телефонлар: 34-55-00, 34-14-02.

Ўзбекистон маданият вазирлиги

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА **25 НОЯБРЬ СОАТ 15.00 ДА** ХИТОЙ ХАЛҚ ЖУМҲУРИЯТИ СИНЬЗЯНЬ УИҒУР АВТОНОМ НОҲИЯСИНИНГ АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИ **ҳамда хонанда** ПОШША ЭШОН **иштирокида**

КОНЦЕРТ

Патталар сарой кассаларида соат 11.00 дан бошлаб сотилади.

«ҒАЛАБАНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ» НОМЛИ АНДИЖОН ҚУРИЛИШ ТЕХНИКУМИНИ БИТИРГАН СОБИҚ ТАЛАБАЛАР ДИҚҚАТИГА!

24 НОЯБРДА

шу техникумнинг ташкил этилганлигига 30 йил тўлиши муносабати билан

ЮБИЛЕЙ ТАНТАНАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Тантанага шу техникумни тамомлаб, халқ хўжалиги соҳасида ишлаётган барча собиқ талабалар таклиф этилади.

Манзилгоҳимиз: Андижон шаҳри, Озодлик шоҳкўчаси, 193-уй, телефонлар: 5-68-22, 5-69-42.

Ўзбекистон ССЖ Давлат статистика комитети жамоаси Ўзбекистон ССЖ Давлат статистика комитети раисининг ўринбосари Ш. Т. Исмоиловга рафиқаси

Муқаддам ИСМОИЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Партия турмуши» — «Партийная жизнь» журнали муҳарририяти жамоалари бўлим мудири И. А. Аҳроровга укаси

Собир Аҳророви АҲРОРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат педагогика олий билимгоҳи ректорати ёш физиологияси ва мактаб гигиенаси кафедрасининг илмий бўлим мудири Қ. С. Содиқовга онаси

Маҳбуба СОДИҚОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССЖ қишлоқ хўжалиги давлат кооператив комитети ҳузуридаги «Узпищепром» жумҳурият озиқ-овқат саноати ишлаб чиқариш илмий бирлашмаси аппаратининг раҳбарлиги, партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари Гулистон ёғ-экстракция заводининг бош инженери

Озод АЛИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома муҳарририяти: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, С. Ф. МУҲИДДИНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБЎТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: Муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; партия турмуши—33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда—32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт—33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-15-20, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат —33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт—32-54-14, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация —32-57-22.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана и Верховного Совета Узбекской ССР

ИНДЕКС 64583.

№ 268. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32. Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12